

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

Хозир қайга борманг, қайда бўлманг, қайда юрманг ва ким билан суҳбат курманг - ҳам-манинг дилида, тилида тобора яқин келаётган муҳим сиёсий тадбир - сайловлар ҳақида гап боради. Кимдир безовта, кимдир оташ, кимдир ҳаяжонда...

Бу ҳис, бу ҳаяжон, бу тўлқинланиш айниқса XXI асрга уйғоқ шуур, уйғоқ тафаккур билан пешвоз чиқаётган навқирон авлод - ёшлар ўртасида ёрқин кўзга ташланмоқда. Зеро, мам-

лакатимиз шаҳар ва қишлоқларида яшаб, ишлаб, ўқиб, хизмат қилаётган ёш йигит-қизлар эндиликда, аниқроғи, Мустақиллик йилларида ўзларини янги ҳаёт бошида турганликларини зийрак-тийрак илғаб етдилар. Шу боиски, улар эндиликда ўзибўларчилик, лоқайдлик, ақидапарастилик каби иллатларга раъй бермай, Ватанимиз дахлсизлиги ва халқ турмуши фаровонлиги йўлида эзгу-мақсадлар билан истиқлол йўлига чиқдилар.

Шу боиски, бугун мамлакатимизда кечаётган Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Олий Мажлис ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар жараёнлари уларни ҳар қачонгидан ҳаяжонлантирмоқда.

Бу йил илк бор сайловда қатнашаётган ёшлар - Тошкент Юридик институтининг бир гуруҳ талабалари ўз ҳис-ҳаяжонларини қуйидагича ифодаладилар:



Дилноза ЖАББОРОВА: -Бу йил мен илк бор сайловда қатнашаман. Кўппартиявийлик асосида ўтаётган сайловларда биз талабаларнинг ҳам эркин иштирок этиши ўта қувончлидир.

САЙЛОВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Эйнштейннинг битта гапи бор: "Ҳар нарсанинг моҳияти таққослашда кўринади!" Шундай экан, янги давр кечагисидан нимаси билан афзал? Бу саволга биргина сўз билан жавоб бериш мушкул. Чунки, ўтган қисқа вақт ичида жуда кўп нарсага эришдик. Ўзимиз яшаётган жамият ҳаётига дахлдорлик ва шу жамият тақдирига масъуллик туйғулари феълимизда тўла шакллана борди. Мустақил фикрлашга одатландик. Юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар моҳиятига таҳлилий назар билан қарашни ўргандик. Бўлажак сайловларга тайёргарлик жараёнида бу нарса айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Биз шу пайтгача сайловлар ҳақида мутлақо бошқача тасаввурда эдик. Илгарилари сайлов участкасига бориш кераклиги учун ҳам бориларди. У ерда юқоридан кўрсатилган номзод учун кўр-кўрона овоз бериб қайтардик. Сайланган кишимизнинг вазифаси, иши ва келгуси режалари билан умуман қизикмасдик.

Бугуннинг кишиси сайловларни шунчаки оддий бир жараён эмас, балки сиёсий ҳаётимиздаги муҳим ва долзарб янгилик эканини яхши тушунади. У мустақил номзодни танлаш ва сайлаш масъулиятини ҳис этади. Шунинг учун ҳам эндиги сайловчи: "Кимни сайлаяпман? Нима учун?" - деган саволга ўз-ўзидан жавоб излайди. Кўрсатилаётган номзоднинг шахсини ўрганади, унинг фаолиятига оқилона баҳо беради. Бўлажак сайловларимиз шу-

ниси билан эътиборга моликки, собиқ шўролар замонидан номзод кўрсатиш фақат биригина партия томонидан кўрсатиларди. Эндиликда бу вазифа мустақил равишда, шунингдек ҳокимият вакиллик органлари ҳамда мавжуд сиёсий партиялар томонидан амалга оширил-япти. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Марказининг тузилиши эса халқнинг кўнглидаги иш бўлди. Шунга кўра, бўлажак сайловларда биринчи марта сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлишди. Республикаимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги сайлов ҳудудларида тузилган ташаббускор гуруҳлар Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий органлари депутатлигига ўзларининг муносиб номзодларини кўрсатдилар. Демак, мамлакатимиздаги 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари билан теппа-тенг равишда оддий халқ ҳам ўзи билган, ўзи эъозлаган кишиларни танлаб, саралаб, уларнинг номзодларини қўллаб-қувватламоқда. Бу муҳим янгилик бўлажак сайловларнинг чинакам одилона, чинакам демократик тарзда ўтишига имкон яратди. Шундай экан, сайлаш масъулияти ҳар биримизни сиёсий жиҳатдан фаолроқ бўлишга ундайди, сайлов участкаларига ўз фикримиз, ўз сўзимиз билан дадил кириб бормоқликка даъват этади. Эндиги сайловларнинг ўзига ҳос тарихий аҳамияти ҳам ана шунда.

Гулчехра ЖАМИЛОВА



Ақтам ТОШҚУЛОВ: -Ватанимизнинг, халқимизнинг ва барча фуқароларнинг беш йиллик тақдирини ишониб топширилаётган Олий Мажлисимиз депутатлари энг муносибларнинг муносиби бўлиши керак.



Сарвар СУЛТОНОВ: -Бу йилги сайловлар биз ёшлар ҳаётида жиддий сиёсий воқеа, десам хато бўлмайди. Шу боиски, энг асил, энг сара ватандошларимиз учун овоз беришимиз керак...



Мукҳаддам АЛИМБОЕВА: -Сайланажак депутатлар Шўро давридаги мафқуранинг дастёрларидек эмас, балки Ватанимиз равнақи ва халқимиз турмуш тарзини кафолатлаб берувчи қонунлар мажмуини яратадиган энг олий ҳукумат - Парламентимиз аъзоларидир...



Машхура МУҲАММАДИЕВА: -Дунёда турли бузғунчилик, халқаро террористик ҳаракатлар авж олаётган бир даврда бизнинг мустақил юртимизда демократик сайловларга қизгин тайёргарлик боришининг ўзи катта ютуқ,



Хусан САДИРОВ: -Ташаббускор гуруҳлар томонидан ҳам номзодларнинг кўрсатилиши юртимизда ҳеч қайси фуқаронинг манфаати четда қолмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

ҲУҚУҚШУНОС АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Шу йил 22-24 октябр кунлари Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи ажиб бир гулшанини эслатди. Бу ерда Америка юристлари Ассоциацияси билан ҳамкорликда АҚШ халқаро тараққиёт (ЮСАИД) Агентлигининг "Глобал" лойиҳаси раҳбарлигида ўтказилган халқаро конференцияга инсониятнинг бекиёс жуфтлиги вакиллари - юзлаб ҳуқуқшунос аёллар тақлиф этилдилар.

Анжуманда тўпланганларнинг қизиқишига мос - "Марказий Осиёда хотин-қизлар ва ҳуқуқ" мавзуси атрофида кўри

чиқилди. Айни шу мавзу ҳуқуқшунос аёллар билан бирга Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистон хотин-қизларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари раҳбарларининг ҳам диққатини тортди. Улар ўз қизиқишлари ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган мавжуд қонунларнинг ҳамда юридик тажрибаларнинг самарадорлиги масалаларини муҳокама қилдилар. Мухожамаларни Марказий Осиё, АҚШ ва Россиянинг ҳуқуқий доиралардаги таъникли мутахассислари олиб боришди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари ҳамкорлик ва минтақавий ахборотлар алмасуви борасида ўз иш режаларини ҳам белгилаб олдилар. Конференциянинг асосий ташкилотчиларидан бири ва Америка юристлари Ассоциациясининг вакиласи Меэри Тайсен хотин-қизларнинг кундалик ҳаётига кўпроқ таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий масалаларни илк бор диққат билан атрофлича кўриб чиққан Марказий Осиё ҳуқуқшунос аёлларининг анжуманини "тарихий воқеа" деб баҳолади.

ЭҚТИРОМ, ИШОНЧ ВА УМИД

Бу йил - Аёллар йилида Президентимиз Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти тавсис этилди. Мукофотга лойиқ хотин-қизларни аниқлаш ва ташкилий ишларнинг бориши ҳақида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси Хайринисо МИРЗАЖОНОВА мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Зулфия номидаги Давлат мукофотининг аҳамияти бекиёсдир. Бу машҳур ўзбек шоира-сининг Ватан учун, халқ учун, мустақил тараққиётимиз учун қилган улкан ва бебаҳо хизматларида Президентимиз ва давлатимиз томонидан кўрсатилган чексиз эҳтиром ва эъзознинг ёрқин ифодаси бўлса, иккинчидан бу мукофот дунёда энг мўътабар ва муқаддас зот - аёлга алоҳида эътибор кўрсатиш, эл-юртга муносиб, ҳар жиҳатдан баркамол хотин-қизлар авлодини тарбиялаб етказиш максadini кўзлайди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртурларида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Хозирги кунда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган комиссия Зулфия номидаги давлат мукофотига тақдим этиш йўриқномасини ишлаб чиқди. Унда номзодларга қўйиладиган умумий талаблар ва мезонлар, танлов ўтказиш бошқичлари кўрсатилган. Шунингдек, йўриқномада адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият соҳаларининг ҳар бирига алоҳида ишчи гуруҳлари тузилиб, унга шу соҳаларнинг энг кўза кўринган намояндалари киритилган. Бу эса, ҳақиқий истеъдодли ёш қизларни танлашга имкон беради.

Ўз-ўзидан Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиладиган номзодларга қандай талаб қўйилади, - деган савол турғилади.

"Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат мукофотига тақдим этиш йўриқномаси" да таъкидланганидек, Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртурларида таълим олаётган корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда хизмат қилаётган аъло хулқи, олийжаноб инсоний фазилатлари, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ёрқин истеъдодини намойиш қилиши билан бирга истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига талабгорлар ўзининг ватанпарварлиги, сиёсий-ижтимоий ва маънавий етуқлиги, ватанимиз тарихи, миллий алломаларимиз ва жаҳон маданияти ме-

росини яхши эгаллаганлиги билан ажралиб туриши лозим.

Номзоднинг илмий-ижодий ишлари ўзининг янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, бадий қиммати билан алоҳида ажралиб туриши, халқимиз маънавиятини юксалтириш, мустақиллик ғояларини амалга ошириш, жамиятимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий ислохотлар моҳиятини очиш, мамлакатимиздаги ижтимоий ва маданий ҳаётни янада яхшилаш масалаларини ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим.

Адабиётнинг барча жанрлари бўйича мукофотга тавсия этилаётган асарлар ғоявий, бадий жиҳатдан юксак бўлиши, муаллиф дунёқарашининг ўзига хослиги, бугунги воқеаларда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришларни тасдиқлашга қаратилганлиги, шунингдек, оригинал бадий эстетик изланишлари билан ажралиб туриши керак.

Санъат, маданият, фан ва таълим соҳалари бўйича мукофотга тавсия этилаётган асарлар ҳам ҳар бир соҳанинг ўзига хос талаб-ларига жавоб бериши билан бирга долзарб муаммоларга бағишланганлиги, ғоявий юксаклиги билан ҳам ажралиб туриши лозим.

Давлат мукофотига тавсия этилувчиларни танлаш уч бошқичда ўтказилади. Жумладан:

1 - бошқич сентябрда ўтказилди. Бу тадбир мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртурларида, корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда ўтказилиб, шу муассасаларнинг раҳбар органлари тавсиясига биноан, туман, шаҳар, вилоят бошқармаларига топширилади.

2 - бошқич учун октябр-ноябр ойлари белги-ланган бўлиб, вилоят халқ таълими бошқармаси, олий ўқув юрти, илмий тадқиқот муассасалари илмий кенгашлари тавсиялари асосида номзодларнинг ишлари вилоят комиссиясида кўриб чиқилади ва ҳар бир йўналиш бўйича 1 тадан - жами 5 нафар номзод танлаб олинди, Республика комиссиясига тақдим этилади.

3 - бошқич декабр-январни қамраб олади. Республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тақдим этилган номзодларнинг ишларини кўриб чиқиб, биттадан номзодни танлаб олади ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Вилоятларда ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси ва ишчи гуруҳлари ҳамда мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртурлари, корхона ва ташкилотлар номзодлар танловини одилона ўтказиб, адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият соҳалари бўйича энг иқтидорли қизларни танлайдилар ва республика комиссиясига тақдим этидилар деб, умид билдирамаиз.

даги бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи "Буюк ипак йўли" бадий кўргазмаси, "Усто" бирлашмаси ва "Мусаввир" илмий-ишлаб чиқариш маркази аъзоларининг халқ амалий санъати асарлари намуналари савдо-кўргазмаси уюштирилади. Кўргазма Филадельфия ва Нью-Йорк шаҳарларида 2000 йил 15 январга қадар давом этади.

● 21-25 октябр кунлари "Ўзэкспомарказ" да "ЭКСПО Италия - 99" кўргазмаси ўтказилди. Унда 120 дан зиёд Италия фирмалари илк бор ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Кўргазмада ўзбекистонликлар италиялик ишбилармонлар билан бизнес алоқалари ўрнатиш имкониятига эга бўлдилар.

● Тошкентдаги "Оник" хиссадорлик жамияти цехлари негизда ташкил этилган ойна толасини ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига "ЎзГлаззайдин" деб ном берилди. Маъмур сармоя лойиҳасининг умумий қиймати 85,625 миллион немис маркаси миқдорда бўлиб, 58,06 миллион немис маркаси янги технологик ускуналарни сотиб олишга сарфланди. Ускуналарнинг хариди "Гермес" сургурта қоплови остида Германия банки томонидан тўққиз йилга кредит бериш йўли билан амалга оширилди.

● "Корфармасаноат" ўзбек-хинд қўшма корхонасининг яқинда Тошкентда ишга туширилган заводи келажақда Марказий Осиёда энг улкан корхоналардан бирига айланади. У 2000 йилдаёқ ҳар йили 6,8 миллион шиша инфузияли эритма, 400 миллион дона турли-туман дори-лар тайёрлайдиган бўлади.

● Тошкент Давлат Университетининг 20 нафар аълочи талабаларига Япониянинг "Сумито-мо Корпорейшен" компаниясининг махсус стипендиялари тантанали равишда топширилди.

АЁЛ ВА МАЪНАВИЯТ

Чилонзор тумани хотин-қизлар кўмитаси "Аёл маънавияти ва ёшлар тарбияси" мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказди. Анжуманда туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Муаттар Содиқова нутқ сўзлади. У ўз нутқини Президентимиз И. Каримовнинг "Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот - бу Аёлдир", деган сўзлари билан бошлади.

Инсоннинг маънавияти унинг оилада олган тарбиясига боғлиқ. Аёл кишининг маънавияти кучли

бўлса, фарзандларининг ҳам тарбияси яхши бўлади. Фарзанд энг аввало онасидан ибрат олиб ўсади. Шу сабабдан ҳам хотин-қизлар кўмитаси аёллар оналар ўртасида ана шундай тадбирларни кўплаб ўтказмоқда.

Шоира Турсуной Содиқова оилада ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ҳақида гапирди. Ўзбекистон халқ артисти М. Ихтиёрова, О. Назарова каби санъаткорлар ўз чиқишлари билан анжуманга фойз бағишлашди.

Д. РАҲИМБЕРДИЕВА

ОБУНАЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛСА...

"Гулчехралар", "Саодат", "Қалб кўзи", "Сирли олам" ва, айниқса "Оила ва жамият" газетасини севиб ўқийман. Ўқиганларимни кўпинча маҳалла хотин-қизлари орасида муҳокама қиламиз. Аёлларимиз ўзлари севган газета ва журналларни кўпинча қиосқалардан сотиб оли-

маҳалламизда кўп қаватли уйлارнинг ҳар бирида, ўша уйнинг ўзидан бир кишини уй бошқарувчиси этиб сайлаганмиз. Уй бошқарувчиси қарамогидоги уйнинг озодалигини, осийшталгини таъминлайди ва назорат қилади.

Лекин алоқа бўлими ходимларининг иши қониқарли эмаслиги сабабли ўйлари қолишади. Қиосқадан ёки бир-бировларидан олиб ўқишни маъқул кўришади.

Шунинг учун, обуна масаласида мен ўзимнинг қуйидаги таклифимни киритмоқчиман. Масалан: Биз ўз

Агар алоқалардан олиб олишлари ўзаро келишган ҳолда тарқатиладиган газеталарнинг ҳар уйнинг бошқарувчисига қолдириб кетсалар қулай бўлади. Улар ўз навбатида хонадонлар эгаларига топширадилар.

М.ЗОҲИДОВА,
Тошкент шаҳар
Мирзо Улугбек тумани
"Хумоюн" маҳалласи
хотин-қизлар
кўмитаси раиси

ОБУНА-2000 ЙИЛ

ОТАЛАР СЎЗИ - АҚЛНИНГ КЎЗИ



"Бошдан ўтказган табиб", деганларидек оталаримизнинг борлиги-бошимизда соябонлиги, уларнинг назари, эътибори, ҳар бир ўғиту-насихати бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Ота-боболаримизга муносиб ворис бўлмоқ, ҳаётимиз мазмуни бўлмоғи керак. Бу қадим ҳаёт йўлида ўз йўлигини топлмоқ истасангиз, ўз нурли изингизни қолдирмоқ истасангиз, садоқатга эришмоқни истасангиз, албатта "Оила ва жамият"га обуна бўлинг.

Азиз фарзандлар, кўнгил энг банд қошона эканлигини унутманг. Оталар кўзига нур, белига қувват бағишламоқчи бўлсангиз, улар кўнглини чоғ этишга ҳаракат қилинг. Бу эзгу йўлда "Оила ва жамият" сизнинг энг яқин дўсту ҳамкорингиз эканини унутманг...

ЎЗБЕКИСТОН:

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР КЎЗИДА

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ў. Султонов раислигида республика иқтисодиётини 1999-2000 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисида вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, ҳудудий бошқарув органлари, саноят ва уй-жой коммунал хўжалигининг совуқ тушганда меъёрий ишларини таъминлаш учун масъул бўлган бошқа ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар. Мажлис иштирокчилари қиш мавсумини ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш учун барча кучларни сафарбар этиш юзасидан қарор қабул қилдилар.

● Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги ва Жалолиддин Мангуберди таваллузидининг 800 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Ўзбекистон Халқ рассоми Тўра Қурёнов Жалолиддин Мангуберди сиймасини яратиш бўйича Бадий академия ўтказган республика очик танловида биринчи ўринни эгаллади. Таниқли рассом Муборак Йўлдошев мўйқаламга мансуб миллий эпосимиз - "Алпомиш" достони воқеалари асосидаги йирик полотнолар туркуми ҳам кўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йил 2-12 ноябр кунлари АҚШда "Ўзбекистон маданияти ҳафталиги" ўтказилади. Ҳафталиқда мамлакатимизнинг қадимий тарихини ва мустақиллик даври-

ЭХТИРОСЛАР БИЛАН ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"
ЎГИТНОМАСИ

Азиз ўғлим ва қизим! Бу дунёда ҳар кимнинг ўзига муносиб, меҳрибон умр йўлдош топиши, борлигини унга бахшида этиши, фарзандлар кўриб, уларни воёга етказиши унча жўн иш эмас ва ана шу хушбахтлик ҳаммага ҳам назиб этавермайди. Оила қуришдек бағоят масъулиятли тadbирини амалга ошириш юзасидан, афсуски, ҳеч ким аниқ кўрсатма ва тавсиянома беролмайди. Чунки жуфти ҳалол танлаш бағоят назокатли кўнгил иши. Аммо шунга қарамай, бир инон ихтиёрни ўзларингга ташлаб қўйсан, унча тўғри бўлмас. Бир масъул, жонсўз ота сифатида маслаҳатлар бермоқчиман ҳамда улар асқотади, деб умид қиламан.

Аслида донишманд халқ бу борада энг мумтоз пандларни айтиб қўйган. Бошинг икки бўлмагунча Молинг икки бўлмайди.

Тагин: Хотинсиз рўзгор - чўл, Хотинли рўзгор - гул.

Тагин: Тенгини топсанг-текин бер. Ўғлим! Буни умр савдоси дебдилар. Шунинг учун уйланишга унча шошилмаслигингни маслаҳат бераман.

Ўсимнинг андақ улғайиб, ЗАГС ёшига етиши баркамол маънодаги балоғатдан далолат эмас. Турмуш қуриш учун маънавий, иқтисодий жиҳатлардан ҳам тайёр ёки қарийб тайёр бўлмоқ керак. Иложи бўлса, ўқишни битириб, бирор юмушнинг бошини тутган

ва тагин, тўйнинг айрим сарулолари, заруратларини харид қилган, таралдуқ бошласанг, ўринли бўлур эди. Аммо сўққабошлик ҳам чўзилиб кетавергани сари киши инжиқ, ўта нозиктаб ва ҳатто андақ нописанд бўлаборишини назардан қочирмаслик керак.

Ҳап турмушнинг муқаддас кўрғонини тиклаш хусусида кетар экан, ундан олдин севги деб аталган устувор туйғу ҳақида тўхталиб ўтмасам, ошқилар мени жоҳилликка айблашлари ҳам ҳеч гап эмас. Эрамиздан аввал яшаб ўтган қадимги юнон донишмандларини тортиб, кечагина ўининчини битирган ёш шоир ҳам бу хусусда тўлиб-тошиб афсона-ю ашўрлар ёзишган. Уларга кўшимча қилиб, бирор тоза фикр айтишим мушкул. Фақат шуни таъкидлаб ва тайинлаб айтишим керакики, сўнг сўниб қоладиган туйғу, деган экан бир файласуф. Дастлаб бу афоризм менга жуда ёқиб тушганди: кейин эса маънунона меҳр қўйган, борлигини бир-бирига бахшида этганларни кўрдим, уларга ҳавасим келди.

Эй фарзанд! Чироққа лампамай, ниҳолга сув, қушга дон керак бўлгандай, муҳаббат ҳам маънавий ва моддий рағбат талаб қилишини унутма. Ахир, фақат эҳтирослар билан яшаб бўлмайди-ку! Севгилинг кўнглини топиш воситаларини ўзинг ўйла. Балки бир даста гул, эҳтимол, ярашиқ либос ёхуд ан-

дақ ҳамду сано, табассум...

Кизим! Бизнинг замонамизда келин билан куёвнинг ажралиб кетиши рўй бериб турадиган нохуш ҳол. Бунинг сабаблари бисёр, лекин энг аввалгиси: оила деб аталадиган муқаддас уюшмани сақлаб қолиш учун курашмаслик, унга нописанд қарашдир. Агар билсанг, бева бўлиб қолиш, фарзандлар дунёга келган бўлса, уларни тирик етим қолдириш-ғуноҳи азим.

Қисматнинг бўёқлари оз эмас: биров қайнона, қайнотаси билан келишолмайди, бошқа бир келин пулсизлик ёки уйсизликка қарши бош кўтаради. Яна бир бебахтнинг эри ичкиликка, наша-вандликка, қиморвозликка берилган.

Сен қизим, бундай ногаҳоний зарбаларга ҳаммиса тайёр бўл, ҳар қандай иллатнинг говлаб кетишига йўл қўймай, унинг олдини олишни ўрган. Қайнона ёки қайнотангдан ҳасрат қилишдан олдин бир ҳақиқатни ақл тарозисига солиб, мушоҳада юритиб кўр. Улар ўзга бир даврда яшашди, сен бошқа замон одамисан. Модомки шундай экан, йиллар орасидаги фарқ дунёқарашлардаги фарқ демасдир. Ўзгор деган калъани ҳар қандай омонат жойини мустаҳкамлаб бориш, бунинг учун бир-бирини кечиришни биллиш, гоҳида хокирсорлик таомилларига амал қилиш, миллий удумларни қадрлаш сингари бир талай шартларни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Оила муносабатларидаги кичик зиддиятларга нописанд бўлмагил. Катта зиддиятлар ана

шу кичик зиддиятлардан бошланади.

Тагин шуни ёдда тутгинки, эркак зоти ҳаммиса ўз имкониятларидан каттароқ гапирадиган, ваъда бериб қўйдиган бўлади. Начора - эркакчилик! Зеро шундай экан, бу ҳолда ортиқча қаҳрга минишга ҳоҷат йўқ. Мусулмончилигинг ҳеч ерда қайд этилмаган қонунлари оилада, қариндошлар, дўстлар даврасида сардор маъқеининг андақ сарбаланд бўлишини тақозо этади.

Муҳаббат ва садоқат шунчаки китобий гаплар эмас, оила ҳам эрмак ёки шаҳовоний зарурат учун қуролмайди.

Эй фарзанд! Оила- жамият бешиги бўлса, фарзанд-белнинг қуввати, зурриётнинг давомчиси, чироғимизнинг ёқиб қолувчи ирсиятимиздир. Баски шундай экан, фарзандлар соғлом, ақлли, ўқимишли бўлишига эришмоқ керак. Шундай иш тутмоқ зарурки, фарзандлар фақат давомчи бўлиб қолишмасин, балки биздан ҳам устунликларга эришишсин.

Ота-она ўз фарзандларининг қилмиши учун бутун жамият ва тарих олдида жавоб бериши кераклигини бир дақиқа бўлса ҳам ёддан чиқарманглари!

Фарзандларнинг мурғак қалбларига зарифлик ва шафқат уругини кўпроқ сепинглар, уларни зукко тарбиячи, шохиста муаллимлар қўлига топширинглар, токи келажақда фақат ўз оиласигагина эмас, инсониятга ҳам шарифликлар келтирсин!

Самарқанд Нусрат РАҲМАТ

Айни пишиқчилик дамларида ҳали у кўшинингиз, ҳали бу қўшинингиз тўйга таклиф қилиб кетаркан беихтиёр қувонасиз. Дўсту-қариндошларингизнинг тўйидаги шодликни бирга баҳам кўришдан фахрланасиз.

Шунда ҳаёлингиздан беихтиёр ана шундай тўй-томошалар кўпроқ бўлаверса қандай соз бўларди-я, деган фикр кечади. Кунни кеча яна бир қўшимининг тўйидан қайтарканман йўлда ўтган ҳафта тўй қилиб қизини узатган Асал опа Убайдуллаева билан гаплашиб кетдик. Уларнинг тўйи жуда дабдабали ўтган, кўпчилик қатори мен ҳам унга ҳавас билан қарагандим. Бирок!..

- Анча-мунча чиқимдор бўлдик, айланай, - деди уф тортиб Асал опа. - Элюр-юрдан қилиб кетмайлик, - дея ҳаракат қилдик-да, бўлмаса жуда ошиб кетганимиз ҳам йўқ эди-я... Қуда томонга ЗАГС зияфатини қиламан деб овора бўлиб юрманглар, унга кетган пулни тўйнинг камчиликларига ишлага қоларсизлар деб балага қолдим.

Кудамиз: "Биз ҳам орзу-ҳавасли одамлармиз-ку, нега энди ҳамма қатори ЗАГС тантанасини қилиб бермас эканмиз. Ахир шундай қилмасак, ёру-дўстларнинг олдида ўғлимизнинг боши эгилади-ку", - дебди. Биз бўлсак, қизимиз борган жойида қўйналиб юрмасан дегандик, холос. Уларнинг ҳолини ҳам тушунамиз, эл қатори бирор йиғин қилмасангиз ҳамма гапиради-да. Айниқса, чаларида тортиладиган овқатларнинг ўзи камида ўн хилдан ортади. Энди сарпо-сурукларини айтмаса ҳам бўлади...

Шундай сўзларни кўп эшитган бўлсамда "удумларимиз-ку", деб кўя қолардим. Ўтган 1998 йилнинг 28 октябрида эълон қилинган Президентининг "Тўй ҳашамларни тартибга солиш ҳақида"ги Фармони чиққани кўпчиликнинг кўнглидагидек бўлди. Аммо, шундан кейин ҳам бу "орзу-ҳаваслар" деб аталмиш исрофгарчиликлар, ким-ўзарликлар ошса оқиб кетаяптики аммо камайишидан дарак йўқ. Бунинг оқибати эса кўпична

кўнглисизлик билан тугаганига ҳам гувоҳ бўламиз. Туманимиздаги бир маҳаллага кўш келин тушди. Бир чиройли ўтган тўйдан сўнг, эртаси кунни одатдагидек чаллар ўтказилди. Барча қариндошлар, кўни-қўшинлар табиийки келинчаларнинг ясоғлиқ уйларини кўришга қизиқишарди. Буни кўриб "Қайси келиннинг мебеллари чет элликчи, кимнинг буюмлари кўпроқ, ким бадавлатроқ", - деган баҳслар бошланади.

Ўша юқорида айтганим кўш тўйдаги келинчаларнинг биттаси ёлғиз киз, иккинчиси эса еттита фарзанди бор оиланинг учинчи кизи эди. Ота-оналари ҳам оддийгина ишчи бўлиб ишлашарди. Табиийки, улар қурби етганича тўй қилишган, баҳоли қудрат қизларига сеп қилиб

ёйишди-ку, нега энди мен буни қилмаслигим керак экан? Айбим улардан амалим кичик бўлганими? - дея шовқин кўтарди. Охири: "Майли, сиз айтгандек бўла қолсин", - дея қутулишди. Ваҳоланки куёвларнинг онаси бағоят ақлли зийрак аёл эдики, у икки қудасининг сеплари орасидаги тафовутни аниқ кўриб билиб тургани учунми, иккинчи қудасининг мулзам бўлишини истамаганди. Аммо!..

Жанжал кўтарган аёлнинг сўзларида ҳам ҳақиқат бордек эди-да. Чунки ўзи ана шундай ишларни тартибга солувчи ташкилотларнинг бирида ишлайдиган аёл бу борада ҳаммадан ошириб юборганди. Ана шу ўзимни ўйлангир-

қатори оддийгина ўтказишса мудоаодагидек бўларди. Чунки буни кўрганлар истаса-истамаса уларга эргашадилар. Яна "Кимсан, фалончи ака ёки опа ҳам тўйини, маъракасини оддийгина қилиб ўтказибди-я", - дейишадди. Акс ҳолларда эса улар ўзларининг иззат-нафсларини ҳақоратлангандек ҳис этишлари мумкин.

Биз аввало маҳалла фуқаролик йиғинларида бу сўзларни айтиб, одамларнинг ҳам фикрини эшитиб шунга қараб ишларни ташкиллатириаямиз-у, лекин бу ишлар бир-икки кунда йўлга қўйиладиган ишлар эмас-да.

Дарҳақиқат, опанинг сўзларида жон бор. Табиийки, маҳаллаларда, қишлоқларда, шаҳарларда ҳам одамларнинг назарида турадиган кишилар бўлади. Аввало ишни ана ўшаларнинг ўтказиётган маросимларини ихчамлаштиришдан бошлаш керак. Бу

борада шундай ишга масъул кишиларнинг озгина қаттиққўлиги жуда зарур.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна ва яна маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига, муҳтарам оқсоқолларга мурожаат этишни истардик. Чунки, маҳаллаларда яшайдиган ҳар бир одамнинг оилавий яшаш тарзини улар яхши билишади. Ҳамма ҳам яхши тўйлар қилиш орзу-ҳаваси билан яшайди. Фарзандларининг камолтини, бахтини ана шу айёмларда кўришни истайдилар. Лекин оиламиздаги шароитга қараб маҳалла фаоллари билан чиройли қилиб тўйларимизни ўтказсак, қандай яхши бўлар эди. Ҳозир шундай қилишнинг вақти етмадимикин? Оллоҳ ҳаммамизни тўйларга етказсин.

Биз эса, борни ҳам, йўқни ҳам кечира олгувчи, кечиримли дунёда умид билан яшаётган бирорта инсоннинг ҳам боши мулзамликдан эғилмасин дейимиз-да. Зеро, ҳадисларимизда: "Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам мўътадиллик яхшидир", - дейилган.

Басира САЙИД АЛИ

ОРЗУ-ҲАВАС ҲАММАМИЗДА ҲАМ БОРУ, ЛЕКИН...

ТҮЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА
ҲАММАМИЗ

узатишганди. Эртаси кунни чаллар пайтида ўша қизнинг онасини кузатганман. У бечора қизариб, кимтиниб ўтирар, сезишимча уни ҳали замон бошладиган "сарпо ёйиш" масаласи изтиробга солаётганди. Дастурхонга тортилаётган турли таомлар ҳам унинг томоғидан ўтмаётгандек кўринарди.

Бечора онаизор бошига тушадиган кўнглисизликни сезгандек эди. Бирпасдан кейин иккала қудасини ташқарига чақуриб олган йиғиннинг онаси қудалари билан маслаҳатлашади. "Сизларнинг озми-кўпми қилган меҳнатингизни ҳамма кўрди. Раҳмат сизларга. Қизларингизга шунчалик молу-давлат қилибсиз барака топинглар. Лекин энди шубҳун... Сеп санаш қилмасак деганди-да. Хар қалай... - сўзини тугатмасданок бадавлат келиннинг онаси бобиллаб кетади: - Ҳо, нега энди, шунча йил йиғиб терганим, тугунчаларда ҳеч кимнинг назарига тушмай қолиб кетаверарканда-а? Мен билмайман, ким нима деса десин. Ўша менга "сеп ёйманг" деган бойвуччаларнинг ўзлари ҳам ўғил-қизларининг тўйида ўнталаб тугундаги сепларини

ган масалалар ҳақида Чирчиқ шаҳар ҳоким муовини, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Муяссар опа Иброҳимова билан суҳбатлашдим.

- Айтганингиздек, ўтган 1998 йилнинг 28 октябрида маросимларни ихчамлаштириш ҳақида қарор чиқди-ю, аввалига шунга амал қилингандек бўлди. Кейинчалик эса ана ўша-ўша аҳволга тушди. Бизда ЗАГС машиналари икхитадан ошмайди. Ҳозир ҳам шундай. Иккониимиз етганича назорат қилаямиз. Аммо тўй масаласига келсак... Биласизми, бу маросимларни ихчамлаштиришнинг иложини қилиш қийин кечапти. Одамларимиз мен фалончидан камми ёки менинг орзу-ҳавасим йўқми, - деб хафа бўлишади. Аслида бу ишни ҳар бир маҳаллада яшайдиган юқори лавозимларда ишлайдиган одамларнинг ўзидан бошлаш лозим. Хар ҳолда мен шундай деб ўйлайман. Нега деганда ҳар бир маҳалланинг ўз обрў-эътиборли кишилари бор. Маҳалладаги шундай одамларнинг тўй-ҳашамларини кўпчилик кузатиши табиий. Агар улар оддийликка амал қилишса, ўз маросимларини халқ

МАКТУБЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

"МЕНГА ТАХТ ЭМАС, БАХТ КЕРАК"

ЧОРШАНБАДАН-ЧОРШАНБАГАЧА

тўқ, топиш-тутиши яхши, шахсий машинаси бор, халқнинг назарига тушган инсон. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Ҳаётда бунинг гувоҳи ҳам бўлаёلمиз. Турмушга чиқмаган айрим ёш қизларимиз оилали эркаларнинг молу-дунёсига, қўлнинг кири бўлган пулга, машинасига ёки бўлмаса мансабига учиб яхши, бахтли оилаларни бузилишига сабабчи бўлишяпти. Ёки тақдир тақозоси билан турмушдан ажралган айрим аёлларимиз ҳам фақат бугунги кунни, кўнгулхушлиг-у, шахсий манфаатларини ўйляпти.

Мана шундай тарбияси издан чиққан қизлар, аёллар касрига бошқа аёллар ҳам юзи қаро бўлиб қолмасмикан? Сизлардан яна бир бор илтимос, ушбу масалага менга ўз ёрдамларингизни беринглар. Охирига наҳотим, умидим сизлардан, келиб ўз тегиришларингизни ўтказиб, бу жиддий масалага бепарволик билан қараётган жавобгар бўлган ташкилот раҳбарлари билан учрашиб, бахтимни, оиламни тиклашда кўмаклашсаларингиз.

G...

БАХТ инсонга инъом этилган олий неъматдир. БАХТ инсонни ҳаётга йўловчи раван йўлдр. БАХТ ҳаётининг бебаҳо бойлигидир. Инсон яралибдики, Яратганининг ўзи ҳар бир бандасини хоҳ қиз бўлсин, хоҳ у ўғил бўлсин, ўз бахти билан бирга яратди. Шу боис ота-она ўз фарзандлари бахту-камолтини, орзу ҳавасларини, яхши кўнларини, қувончли дамларини кўриш насиб этишини худодан сўраб ашайди.

Менинг ота-онам ҳам биз фарзандларини тарбиялашди, ўқимашди, оилали, уйли-жойли қилишди. Ота-онамизнинг бу хизматлари олдида биз бир умр қарздоримиз. Отагу кунни-тунга улаб эртадан то кечгача меҳнат қилиб, фарзандларини бекаму -кўст қилиб вояга етказишдек катта машаққат юклатилган бўлса, Она эса тунларни уйқусиз ўтказиб, оналик меҳрини бериш-у, агар бетоб бўлиб безовталансангиз безовта бўлиб, йиғласангиз қўшилиб йиғлайди. Отам оддий ишчи, онам эса (хўро раҳмат қилган бўлсин, охираги обод бўлсин) оддий фаррош бўлиб ишлаганлар. Ҳалол меҳнат эвазига 4 ўғил, 3 қизни олий маълумотли, турли хил касб эгалари қилиб вояга етказдилар. Мен ўз шахсий ҳаётим, ҳозирги кунда эса топалаётган бахтим, турмуш ўртоғимнинг хиёнатини ҳақида ўртоқлашмоқчиман.

Мана, ўн саккиз йилдики мутахассислигим бўйича ишлаб келяпман. 1991 йил ўзим ишлаган муассасага раҳбар этиб тайинландим. Қиз бола онага, ўғил бола эса отага яқин сирдош, кўмақдош, суянч тоғи деганлари ҳақиқат экан. Мен турмушга чиққанимдан кейин бир қизлик бўлдим. Ик-

кинчи ҳамда учинчи фарзандимиз ҳам қиз бўлди. Турмуш ўртоғим: "Менинг ўғлим йўқ, мен ҳам тенгдошларим қатори ўғил кўришни, элу-халққа ош бериб, тўй қилишни хоҳлайман", - деган гап-сўзларидан кейин соғлигимни ҳам ўйламай турмуш ўртоғимни ўғил кўриш бахтига ҳам муяссар қилдим. Ўғлимни тарбияси учун таътилга чиққан вақтимда эрим ўзининг қўлида ишлайдиган турмушдан ажралган аёл билан яқиндан танишиб, тез-тез учрашадиган бўлишди. Икки йилдан бери шу аҳвол. Бу масалада туман хотин-қизлар кенгашига, у яшаб турган маҳалла раисига ҳам, ўзимизнинг маҳалла раисига ҳам мурожаат қилиб, "менинг оилам бузилиб кетяпти, бирон чорасини кўринглар" десам, "егани нонингиз бўлса, устингизда кийимингиз бўлса, уй-жойингиз бўлса, сизга яна нима керак", деб жавоб беришди. Мен халқ ишонган бу кишиларга қорним очлигидан ёки кийишга кийим йўқлигидан мурожаат қилганим йўқ. Аксинча фарзандларимнинг тақдирини ўйлаб, бахтим паймола бўлаётганлигидан, оиламизга учинчи бир киши аралашиб бузаётганлиги, фарзандларим уволига қолаётгани ҳақида кўнгулдандим. Бу орада асабларим бузилиб шифохоналарда соғлигимни тиклаб келдим.

Нима учун бугунги кунда юқорида менинг бахтимга шерик бўлаётган, оиламни пароканда қилаётган, чанг солаётган, аёллик шавъига доғ тушираётган, еб турган бутун номини яримта қилаётган фақатгина ўзининг шахсий манфаатини ўйлаётган, тинч-оосийишта, бахтли ҳаёт кечираётган бир оилани бузиб юбораётган, беғуноҳ норасидаларни тирик етим бўлишига сабабчи

бўлаётган аёлга ўхшаган аёллар, қизлар билан жойлардаги тегишли раҳбар идоралар етарли даражада шугулланмаяпти? Ушбу "Аёллар йили" да хотин-қизлар дардини тинглаш, уларга мана шундай қийин вазиятга тушиб қолганда ёрдам бериш керак деб ўйлайман.

Хурматли тахририят, сизлардан илтимос, аҳволимни ўрганиб чиқиб, масалани ижобий ҳал қилиб берсаларингиз. Акс ҳолда, юқори ташкилотта мурожаат қилишга мажбурман. Оиламнинг тақдирини, фарзандларимнинг келажагини нима бўлади? Очликка чидаш мумкин, етишмовчиликка чидаш мумкин. Лекин бу ҳолга асло чидаб бўлмайди. Бировнинг бахтига зомин бўлиш, яхши бир оилага чанг солиш, шариятда ҳам кечириб бўлмас гуноҳ саналади-ку. "Уша аёлнинг бундай йўл тутишига нима сабаб бўлди экан", деган савол турғилиши табиий албатта. Турмуш ўртоғимнинг ҳеч нарсдан камчилиги йўқ. Ўзига

Тахририятдан: Бегона оила- мисоли бир қоронғи ўрмон, дейилади бир рус мақолида. Мактубни ўқиркан киши кўнгулдан шу мақолга ўхшаш фикр кечди. Унда ёзилганлардан маълум бўладики, хат муаллифи аёл-она рўзори тинчлиги, бахти йўлида кўп ҳаракат қилган. Лекин, ҳаракатлари зое кетган, унинг кўнгли нотинч, унинг рўзғори нотинч.

Аслида оилавий турмушни барпо этиш, барқарорлигини, бахт-саодатини таъминлаш-икки киши-эр-хотиннинг иши, уларнинг баҳамжиҳат истаги-хоҳиши, саяё-ҳаракатига боғлиқ. Бунда ўзгалар аралашуви таъсири катта аҳамият касб этмайди... Бузилишга мойил, бузилай деб турган оилани ўша ақили киши - эр ва хотингина сақлаб қолиши мумкин. Ўзгалар аралашса, аҳволни тузатиш ўрнига аксинча бузиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Кўнгли бузилган, рўзғори бузилаётган бу аёлга нима дейиш мумкин? Бузилаётган бу оилани сақлаб қолиш учун қандай чора-тадбир қўллаш мумкин? Бу оилани сақлаб қолиш мумкинми? Ва ё тақдирга тан бермоқдан ўзга чора йўқми?

Масаланинг шу томонига ойдинлик киритишда бир оғиз сўзингиз, маслаҳатингиз зарур, азиз газетхон!..

ҲАЁТИМДАН ЖУДА ХУРСАНДМАН

Ёшим 17 да, шундай бўлишига қарамай бир фарзандим-қизим бор. Бечора ёшгина алданган экан деманг, аксинча мен жуда бахтиёрман. 2 йил илгари севиб турмуш қурдим. Ўзим жуда катта амалдорнинг яққо ягона эркакоти қизиман. Бир куни уйимизга совчилар келди ва биз учрашадиган бўлди. Т. акамни кўрдиму хушимни йўқотдим. Биз бир-биримизга ёқдик. Уйга келиб тегаман деб туриб олдим. Ойимла ҳали мактабни битирганинг йўқ, десалар роса хархаша қилдим. Шунда адажоним мани тушуниб, эркакотим эрга тегаман десаю, ман йўқ, дейманми, ўша йиғит санга ёқса тегавер эркакотим дедилар. Кейин тўйга тайёрларик бошланди кетди. Ман адамлага ҳамма нарсани энг зўрини, ҳеч бир қизда йўғини олинг, дедим. Тўй бўлгунча биз Т. акам билан ҳар кун учрашиб юрдик. Мактабга ҳам бормай қўйдим, чунки синфдош дўгоналарим нега тегапсан, ҳали ёшсанку деб ҳолижонимга қўймай насиҳат қилишарди. Ман билиб турардим, улар ҳасад қилишган Т. акам билан юрганда ўзимни бахтли сезардим. Айниқса никоҳ узугини танлаганда улар энг қимматини танланг, деганларида шунақа хурсанд бўлганманки, қўяверинг. Никоҳ қўйлагини ҳам иккитасини ўзлари талаб оберганлар. Биттаси ЗАГСга, биттаси никоҳга деб. Мана, ман кутган вақт ҳам келди. Бугун ЗАГС... бизнинг ЗАГС тўйдан бир кун олдин бўлди. ЗАГСимиз катта ресторанда эрталабки 11 дан кечқурунги 19 гача давом этди. Никоҳ ўқувчи домлаям, ЗАГС ходимасиям бизларни никоҳимизни ўша ерни ўзида қайд этишди. Ман бахтли эдим. Бир хил келин-куёвлар "Волга" ва шунга ўхшаш машиналарда боришганда, биз Т. акам

билан "Лимузин" ичиди ўтириб уларнинг устидан роса кулган эдик. Улар ҳазиллашиб сизгаям "Волга" оборсам нима қилардингиз, дегандилар, "тегмасдим" десам кулдилар. ЗАГС дан қайтган адажоним "Хўш қалай қизим, ЗАГСда камчилик бўлмадимиз?", - дедилар. Мен "йўқ" дедим. Кейин ойм "эртага никоҳ, чарчадинг. Ёт қизим", - деганларида, адажоним: "Ие, унда қиз мажлисини кассетасини ким кўради", - дедилар. Биз ўтириб қиз мажлиси видео кассетасини кўрдик. Эртасига тўйни бошлаб юборишди. Куёв навкарлар келди. Мани юрагим гурсурс урарди. Кечки никоҳ учун олинган қўйлакни кийиб тезроқ мактангим келарди. Мана "Лимузин" келди, ман Тошкентдаги энг ҳашаматли ресторани ёнига 12 та "Джип" машинаси тўла аёллар, қизлар билан келдим. Биринчи улар тушди, кейин ёнимга катта гўл кўтарган Т. акам келдилар. "Янгамга пул бериб сўнг "Лимузин" эшигини секин очиб оёғимни босиб ресторанига бошладилар. Никоҳ кечамиз шундай зўр ўтдики, барча кўзга кўринган санъаткорлар бизга хизмат қилишди. Тонгга яқин тўйимиз ниҳоясига етди. Уйга қайтганимиздан сўнг 3 соатча ўтгач, келин салом бошланди. Қайнотам бошимга "Сони" телевизор ва гилам, қайнонам заргарлар махсус тайёрлаган 3 қатор занжир ва "Мадонна" сервизини қўйдилар. Кейин чарлар бўлди. Бу сафар ҳам ресторанда қилдик. Отам билан кўришганимда адажоним бриллиант зирак тақиб, "эрингга махсус совғам бор", - дедилар. Кейин билсам тилла соат билан тилла узук экан. Буни Т. акам ҳўв чақирикдан келиб хурсанд бўлиб айтди. Шундан сўнг Т. акам билан бир ҳафтага Германияга асал ойма кетдик. Бу ҳам бизга адажонимнинг тўхфаси эди.

Шундан сўнг ман кўнглим айниб бошим айланганини сездим. Т. акам тезда дўхтирга обордилар, "ҳомила бор" деганда хурсанд бўлиб катта гўл олиб бердилар. Кейин мани янада асраб юрадиган бўлдилар. Ўзи келин бўлиб тушгандан бери бу уйда иш қилмаганман. Қайнонам, қайнотам манга "Сиз ҳали гўдаксиз, иш қилишга нима бор", - дейишди. - Уни ўрнига Т. билан истироҳат боғларига боринглар", - дейишди. Т. акам ҳеч қаерда ишламайдилар. Бизга оталарини молу дунёси етади. Биз улар билан ҳар кун дачага, қўмилишга, ресторанларга борамиз. Улар айниқса ман шорттик кийиб юрсам роса яхши кўрадилар. Ҳа, адасини кизи, бугун қаёққа борасизлар? деб ҳазиллашадилар. Мехмонга борсақ, қайнонам сочларини причёска қилдириб калта қўйлакким, юбками кийгизиб олиб юрадилар. Чунки манга узун қўйлак ёқмаслигини улар яхши билишади. Шим ёки шорттик олиб беринг десам, Т. акам: "Адасини кизи айтдики оберамиз", - деб мани эркалатадилар. Ҳомиладорлигим сабабли егим келган нарсани қанча десам, ортиги билан олийиб келдилар. Бир марта морожнийни обелмаганлариде роса кечирим сўраганлар. Мана фарзандли ҳам

бўлди. Т. акам қарнай-сурнайлар билан, ерга тўшалган гуллар билан мани кутиб олдилар. Видеоки бошидан охиригача барчасини суратта олди. Маҳалламиз ёнига "Лимузин" да кириб келганда роса фахрланганман, уйга келганда яна катта зиёфат бердилар. Қизимизга қарай олмай, эриюлмаганим учун унга қайнонам қарар эди. Биз эса ҳар доимгидек дам олиб юрардик. Ахир ҳали ёшимизку.

Бир куни ман Т. акамга: "Ҳамма ўқишга кираяпти, маниям олиб кириб қўйинг", дедим. "Мактабгами", - дедилар кулиб. "Олийгоҳга" десам, "хўп" дедилар. Бир ҳафтада имтиҳонсиз ўқишга кирдим. Ҳозир ўқиб юрибман. Боламни гоҳ қайнонам, гоҳ оймга қолдирамиз. Боқиб туришади. Т. акам мани ҳар кунги ўқишга обориб обеклиб қўядилар, ортиги билан пул бериб қўядилар. Ўқийшдан чиқсам, ҳар кунни машинада айланамизда сўнг уйга олиб келадилар. "Энди шофёрликка ўқийсиз-да. Сизга чиройли машина олиб бераман", - дедилар. Ман ҳаётимдан жуда хурсандман. Ман ҳамма одамлар бахтли ҳаёт кечирришга интилиб яшашсин, - деб тилак билдираман.

Б.

Тошкент шаҳри

Тахририятдан: Азиз муштарий, бу "Дил изҳори" Сиз ҳозирча ўқиб келган дарду ҳасратнинг чеки йўқ кўп мактублардан фарқ қилди, шундай эмасми? Муаллиф ҳаётида ҳеч қандай муаммо йўқ, камчилик йўқ, гам-андуҳ йўқ... Ҳаммаси тўқис, ҳаммаси тугал, текис... Лекин уни ўқиб негадир кўнглингизни тушунисиз ҳолат эгаллади... Ўзини бахтиёр ҳис этаётган, бахтиёрлигини сиз билан бўлишаётган хат муаллифига нисбатан ҳасадми ва ё ҳавасми бу? Нима, бу?

Соҳибага ҳавас қилаёпсизми ва ё ҳасадми? Хат юзасидан фикру хулосаларингизни ёзиб юборинг, биргаликда муҳокама қилайлик...

“ҚАНДАЙ ҚИЛСАМ, УНДАН ҚУТУЛАМАН” – 33-сон

ЭРКИНЛИКДА МЕЪЁР БЎЛИШИ КЕРАК

Ишлатма: “Бир эркакка боғланиб қолдим. Иқтисодий жиҳатдан мени тўла-тўқис таъминлайди. Лекин ўғлимни уйлантиргач, бу йўлдан қайтмоқчи бўлдим. Эркак эса мендан ажраладиган бўлсанг, ҳамма гапни қудаларингга, ўғлингга айтиб бераман, деяпти. Нима қилай? деб ёзганди, Х.Исмил аёл.

Мен бу дил изхориға жавоб ёзиб ўтирмасдим, бироқ ҳамкасб эканлигимиздан, боғчадаги покиза, митти қалбларни тарбиячиси бўлганлигидан қўлимга қалам олдим. Бегона билан кўнгил хушлашиш гуноҳи кабиралардан бири. Болаларни тарбиялаш эса энг улуғ ишлардан. Бу аёлда савоб ва гуноҳнинг бир туриши хайратланарли ҳол. Менинг назаримда бу аёл ҳаммасини эрига айтиши шарт. Бошига ҳар қандай кун тушганда ҳам. Агар эри олдиға тавба қилмас экан, ташқаридаги қудаларнинг ҳар турли таъна-низоларининг аҳамияти қолмайди. Ҳар қандай одам емоқ-ичмоқ ва жинсий эҳтиёжини қондириш каби икки турдаги нафис аммомага эга. Яратган Оллоҳ бандасини яхши кўнлар билан, оғир кўнлар билан, нафс билан, қаноат билан синайди. Ушбу аёл бу синоватдан ўтолмайди. Шу даражагача қилган гуноҳларини (эри олдида, фарзандлари олдида, тарбияланувчилари олдида) ювишни ўйламайпти. Балки қудалари кўриб қолишдан мулоҳазаса бораяпти. Бу аёлнинг бахти-қизлари йўқ экан. Акс ҳолда аёлнинг юрган йўли-

дан қизлари ҳам юриб ўтарди. Унда бир дарди минг дардга айланган бўлар эди. Бироқ ўғилларининг оиласи ҳам омонат. Бунинг касри ҳамма одамга тегади. Машиятни қилиб, ҳузурни кўрди, энди бошига келадиган балоларга тахт туриш керак. Бунинг учун ўзи ишлаб турган ишидан бўшаши шарт. Эрига ҳаммасини айтиши шарт. Олган буюмларини қолганини қайтариб бериши шарт. Шунда ўз-ўзидан у одам бундан йироққа кетади. Зотан, Ҳазрат Навоий айтганларидек ҳаёсизда вафо бўлмайди. У ҳаёсиз киши бунга вафо қилиб ўтирмайди ҳам. Бу аёл ўзида инсонийлик аломатларини юзага чиқариши билан, у номард киши янги ўйинчоқ излашга тушади. Мен у одамни номард дедим. Чунки у киши ўз фарзандларига тааллуқли маблагни ўйинчоқ ўйнагандек сарфлаяпти. Агар маблагни кўпайиб кетган бўлса, мактабда ёки боғчанинг таъмирланишига сарф этсин, савоб бўлади. Бу аёлни ўйинчоқ дедим. Чунки бу ишда мақсад ва муқаббатдан нишона йўқ.

Ҳар қандай эркинликда меъёр бўлиши керак. Бу аёл шарқона ҳаё, шарқона садоқатдан маҳрум экан. Энди ҳеч

бўлмаса хиёнатни тўхтатмоқ керак. Покиза аёл эридан пул сўраб тиланчилик қилмайди. Балки бири шох, бири ва-зир бўлиб “оила” деб аталмиш қутлуг мамлакат бойликларини баҳамжихат сарф этади, кўпайтиради. Аёл яхши кийиниш, чиройли юриш, катта-катта ейиш учун яратилмаган. Аксинча эрига тиргак, фарзандларига посбон бўлиш учун оиласига меҳр, хонадонига нур, дастурхонига файз-барака бўлиш учун яратилган. Ҳар кимнинг қилаётган ишини таҳлил қилиш учун ақл неъматини ва қалб жаҳоҳири берилган. Қадамни ўйлаб боссин эди. Энди шайтонни айблаш жоизмас. Шайтоннинг бунга дахли йўқ. Ахир бу аёл шайтонни кўрмаган ҳам. Бу аёлда фикр торлиги шундаки, уни шу кўйга солган эркакни “олиб берган нарсасини миннат қилмайдиган мард”-дея баҳолаяпти. Ахир нега ҳам миннат қилсин. Олган нарсалари учунгина пул тўлага. Олгандан кейин тўлаши шарт. Бироқ қиммат нарсаларга жуда арзон тўлаган. Мисол учун 137 минг сўмгинани сарфлаб уни қудалар олдида бевурд қилди, ундаги покликни, ифратни, оиласига садоқатини, тинчлик, хотиржамлигини, қалб ҳузурини, қаноатини ва ҳ.к. беҳисоб ҳақиқий бойликлар эвазига эскирайдиган, йиртилдиган пальто, плаш, этик, туфли каби арзимас буюмлар олиб берибди. Агар бордию ўша эркакда (уни ҳам эркак дейишга тил бормайди) озгина виждондан қолган бўлса, бу аёлни яхши кўрса, бундай ишни тўхтатиб, эл олдида, гувоҳлар иштирокида ёқтиришини айтсинда, бирга яшасин. Бу аёлнинг эри, фарзандлари ҳам бир кунини кўриб кетар. Шу ишни мар-

длиққа томон қадам қўйиш дейман... Нима бу - хохлаб қолган вақтида тўсатдан бировнинг товоғига қошиқ солиш? Ичмоқчи бўлсанг товоқни олдингга торт-да номард! Ана ундан кейин миллион сарфламайсанми? Истасанг, пулнинг кўп бўлса ана ундан кейин бу аёлга атаб иккинчи “Тож-Маҳал” қурмайсанми, номард.

Оилаға хиёнатни, айниқса аёл кишининг хиёнатини сабаби бўлмайди. Кўрсатиладиган ҳар қандай сабаблар пуч баҳона ҳолос. Бу маънавий қашшоқликнинг оқибати. Оналаримиз ҳатто эрларидан қора хат келганда ҳам, бегона билан мулоқотда бўлишмаган. Аксинча ўзларини меҳнатта уриб, гапларини унутмоққа интилганлар. Нима, у аёлларнинг яхши егиси, яхши кийгиси келмаганми? Уларда маънавий қувват кучли бўлган, имон бақувват бўлган.

Шоир:
Баъзида тириклар безаги учун Саҳардан шомгача қиласиз тоқат. Ва лекин ёрингиз куттали нечун Топмайсиз тирикча сабру-қаноат, дея ёрини кута олмаганларга дашном беради. Холбуки бу аёлнинг ёри, вафодори бор-ку. Агар у киши ҳам ўзга аёлга меҳр изхор қилса, яхши бўлармиди? Йўқ, албатта. Шундай экан, бу ҳаракат, бу фаолиятни ҳаётини тўхтатмоқ керак ва тааллуқли бўлган барча-барчадан кечирим сўраш керак. Шундагина хиёнат балчиғи бу аёлнинг атрофидигиларга сачрамайди.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

МАСТ УЙҚУДАН КЎЗИНГИЗНИ ОЧИНГ...

Мен бу мақолани ўқирканман, эгим жунжиқиб кетди, нафратландим, ўйга толдим, Худодан инсоф сўрадим, ҳеч кимни шайтон йўлдан урмасин деб ёқа ушладим. Қаранг ҳаётини, мен у аёлдан 10 ёш кичикман, ёшим 33 да, 2 та жажжи ўғлим бор. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Маош билан яшайман, ҳовлида хоналар қураямиз, рўзгорға керакли буюмларни аста-секин харид қилиб олиб, камини тўлдириб бораяпмиз. Тинч, осуда ҳаёт кечираяпман. Мен мақоладаги аёл киши қим-кечакка, тилло тақинчоққа ў бўлади, яхши кийинишни, яхши ейишни хохламаган аёл йўқ деб билдирилган фикрларга жавобан: - Нега? Бор! Виждонли, сабр-тоқатли, қаноатли, илмли хотин-қизларимиз жуда биеёр деб ҳайқиргим келди. Азалдан ҳамма бирдек яшамайди, демак, иқтисодий етмади, шайтон йўлдан урди деб нопок йўлга кириб кетиш керакмиди? Бу ерда виждон, иймон бор-ку! Ҳар ким кўрпасига қараб оёқ узатади деган нақл бор-ку! Наҳотки, хотин-қизларимиз мол-дунё учун ўзларини шунчалик хор этсалар, ушундай кийингани билан барибир ҳамма ундан юзида бўлмаса-да, ичиди жирканиши аниқ-ку! Мана барибир виждон азоби устун келиб, газетага ёзишга мажбур бўлибди-ку!

Ҳозир ҳам кеч эмас, қилган гуноҳларига тавба қилиб, намоз ўқиб, Оллоҳдан узр сўрасин, токи гуноҳларини тўкилиб, Оллоҳ бандам дегай. Халқ ҳам сўнг уни кечиргай, фақатгина энди покиза йўлдан борса!

Шу аёл билан дон олишган эркакка маслаҳатим: Сизни мол-дунёингизга учиб, мен уни ҳақиқий мард инсон дейман дебди, йўқ, мен бундай эркакни ёш бўлсам-да ноқас эр экансан дер эдим. Негаки унинг ҳам гулдек фарзанди, кўзи термулиб кутиб турган ёри бор-ку. Оилаға виждонсизлик қилиш, иймонни сотиш эмасми? Инсон фақат зёб-зийнат, машаққотлиқ учун яралмаган-ку? Шу эркакнинг шунча пули бор экан, ўша пуллари камсукум, бева-бечораларга, мактаб ўқувчиларига ёрдан учун берса бўлмайдимми, нима, бу эркак дунёда устун бўлмайди-ку? Озгина бўлса-да ўзбеклигини англаб, охирагини ўйлаб савоб ишларга қўл урса! Ана унда мард, поқдомон эркак бўлар эди. Ҳозир ҳам йўлдан қайтиб, маст уйқудан кўзини очиб, аёлни тинч қўйиб, савоб ишларини бошласин!

Эй аёллар! Мен сизлардан сабр-бардод, кучли матонат, қаноат қилиш, илм олиш, қийинчиликларга чидаш, покиза, эрига вафо-садоқатли, оилаға хиёнат қилмай, фарзандларга ҳалол, меҳрибон она бўлишингизни истардим.

Гулнораҳон МҮМИНОВА

Қарши шаҳри

ХИЁНАТ ЙЎЛИГА КИРМАНГ, АЁЛЛАР

Пайгамбаримиз Ҳадисларида “Гуноҳларнинг энг каттаси ва кечирилмаслиги Зинодир”-деб айтади. Шундай экан, сиз ҳам энг катта гуноҳ қилгансиз. Бойлик, мол-дунё, тилло тақинчоқлару, беш-ўн минутлик кайфу-сафо деб, ор-номусингизни, аёллик ҳусну-латофатингизни, эрингиз, фарзандларингизни обрў-этиборини йўққа чиқарибсиз. Яхшим фарзандларингизни ҳаммаси ўғил экан, агар фарзандларингизни биронтаси қиз бола бўлганда-чи?! Бузуқни қизи кимга керак деб, ким ҳам келин қилган бўларди. Қизингиз ҳам бир умр сизни қарғаб ўтмасмиди. Мен бир томони эрингизга ҳам ачиниб кетаман. Наҳотки кўз олдида хотинига шунчалик ўзгариш бўладики, эри бунни сезмайди. Балки эркакни ҳам кўнгил хуштори бордир, шунинг учун ҳам хотинига бефарқ бўлгандир. Нима бўлганда ҳам у эр, ҳамма нарсани сезиши керакку.

1999 йил юртбошимиз томонидан “Аёллар” йили деб эълон қилинди. Бунинг замирида жуда катта маъно бор. Бир томондан аёлларимизни моддий-маънавий томондан юксалтириш бўлса, иккинчи томондан аёлларимизга бўлган ҳурмат-этиборнинг катталигидадир.

Азиз эркаклар! Қалбимиз кўрида, дилимиз тўрида сарқиб келаётган, оилаларимизни бекаси, фарзандларимизнинг азиз онажони, ўзимизнинг эса умид билан бир ёстиққа бош қўйган ёстиқдошларимиз бўлган аёлларимизга бефарқ бўлмайлик. Уларни хиёнат йўлига кирмасликларига эришайлик. Биз аёлларимизни гулга қиёслаймиз. Бу гулларимизнинг тиконлари қўлимизга кириб, юрагимизга қадалиб, йиринглаб кетмасин. Бу йиринг нафақат биз эркакларни, балки фарзандларимиз, оиламиз келажағига путур етказмасин.

Қадимдан айтишадикки, “Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини, билсам эрдим, босмас эдим, тортмас эрдим жабрини”,-деб... Опажон! Сиз билиб туриб, шу тиконни босгансиз. У киши сизга 137 минг сўм сарфлаб, кийим-кечак, нарсалар олиб берибди. Энди эса сиз миллион пул сарфлаб бўлсада бўйингизга осилган тавқи-лаънатдан қутулласизми?

Маҳалла-қўй, қуда-анда, кичкина бўлса ҳам ишчи жамоангиз, фарзандларингиз олдида нима деган одам бўлдингиз. Аёлларнинг сочи узун, ақли калта бўлади, дейдилар. Менинг сизга маслаҳатим: Эрингиздан, фарзандларингиздан, келиннингиздан кечирим сўранг. Яратган Оллоҳдан эса қилган гуноҳларингизни авф этишини сўранг.

Хиёнат йўлиға кирманг аёллар, Хиёнатнинг умри қисқадир. Эркаклар номусин ерга букмангир, Фарзандларингизни азиз отаси ахир.

ИСМОИЛ

Денов

ГУНОҲНИНГИЗНИ БЎЙНИНГИЗГА ОЛИНГ

Азиз опахонимиз “Х” Балким сиз менинг мактубимдан хафа бўларсиз... Сиз қилиб турган ишингиз ҳар қандай ўзбек аёлнинг шаънини ерга уради. Танангиз соғлом, болаларингиз бўлса, эрингиз тўрт мучали соғ, ёнингизда парвона юрсаю, сиз қаердаги туфли, занжир, қўйлағу, пальто деб, азиз одамларингиз юзига оёқ қўйсангиз. Сиз мана шу қимматбахо кийимларни кийиб, севган эркакнингизнинг болаларини ризқини қўйгансиз.

Сиз йил-ял ёниб занжиру қўйлаққа маҳлиё бўлиб юргангизда, сиз туфайли унинг уйида тинчлик бўлмагандир. Сиз туфайли эркакни хотини ундан юз ўғиргану, болаларини ўйлаб ҳеч қаерга кетолмагандир. Айтгинки, сиз улар - ўша эркакнинг хотини, болаларини озгина бўлса ҳам ўйлаганми-сиз. Рўзгорим, эрим, болаларим деган аёлда нима гуноҳ? Мен сиздан ва сиз орқали мана шу йўлни тутган аёллардан нафратланаман. Сизларга бу азоблар оз деб ўйлайман. Мен ҳам аёлман, бир пайлар бетоб ётганимда болаларимга, эримга соғлик сўраб худойимга нола қилиб йиғлардим. Балки шулар учундир яна оёққа турдим, ёру биродарларим сафига қўшилдим.

Лекин менинг ҳам юрагимда бир оғрик бор. Шу оғрик мени қўлимга қалам олишга мажбур қилди. Сиз ўзингизга мен қандай она ёки қандай аёл бўлишим керак деган саволни берганми-сиз?

Мен хохлардим шу саволға ўзингиздан чиройли жавоб толиб ва жавобға амал қилиб яшашингизни, эрингиз, болаларингиз олдида юзингиз ёруғ бўлишини, бу ёлғон дунёда сизни кечиривади, лекин чин дунёда ҳар бир нопок қилиқлар учун жавоб берасиз. Чунки, у пул тополмаганми, у бўшим, аталами у сизни эрингиз. “Аёл кишини 70 яшаридан, эркак кишини 7 яшари улуғ” деган доно халқимиз.

Гапимнинг хулосаси - ўзингиз қилган гуноҳни қудангиз, ўғлингиз ва эрингиз олдида очиқчасига айтинг. Шунда сиз эркакдан ҳам, сизни кийнаган азобдан ҳам қутуласиз.

Сизга тинчлик тилаб:

Қарши

ГУЛЖАҲОН

ТАЪРИҚЛАР ВА ЭЪЛОЛАР

ОИЛА-537

БАХТНИНГ БОЗОРИ ЙЎҚДИР!

33 ёшли, олий маълумотли. 2 фарзанди бор. Хозирда Тошкент шаҳрида яшовчи аёл 1-2 фарзанди билан бева қолган ёки бефарзандлик туфайли ажрашган 30-45 ёшдаги кўркам, иктисодий жиҳатдан тўқис, манъавий баркамол, диний ва дунёвий илмлардан бохабар инсон-инсонга жуфти-халолликка излайди. Шайдолар кўндир, Чин ошиқ йўқдир. Хар нарса дунёда сотилур, Лек бахтнинг бозори йўқдир!

ОИЛА-538

34 ёшли, уйланмаган, уй-жойли, машинаси бор, ўнг қўли ногирон йигит. 24-26 ёшлардаги ҳалол, меҳнат-каш қиз билан танишишни истаиди.

ОИЛА-539

Фарзандларини уй-жойли қилиб бўлган бева эркак 35-40 ёшлардаги (1 фарзанди бўлган) аёлга уйланиш ниятида.

“МАЛИКА” хусусий ўқув маркази қуйидаги 3 ойлик курсларга таклиф этади:

- 1. Бичиш-тикиш;
 - 2. Торт тайёрлаш;
 - 3. Уй ҳамшираси.
- Манзилимиз: Сирғали тумани, 8 “а” мавзе, 24-уй, 4-хонадон.
Мўлжал: 51-АТС рўпарасида.
Тел: 51-12-95

“Карачи Леза Гарментс” фирмаси (Покистон) чарм куртка, плаш, дубленкаларни 15 фоизга арзонлаштирилган нархда мавсумий сотувини ташкил қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олой бозоридаги усти гумбазли марказий савдо растаси ичкарасида
Тел: 132-10-03.

ХОТИРА-МУҚАДДАС
АРМОН

Она! Онажон, сизнинг бағрингиз қуёшдек иссиқ меҳрга тўлиқ эди. Онажон, менга айтган аллаларингиз юрагимнинг энг тўридан жой олган, томиларимдаги қон билан оқиб юрибди, гўё...
Сиз мени чақирганингизда, бағрингизга қолиб борар эдим. Бармоқларингизни кўзимга суртиб, тўйиб қучоқлар эдим. Кечалари ухлатмай, азоб бериб чиққан тунларимда ҳам сиз мени ташлаб кетмадингиз. Шунда ҳам менга аллалар айтиб дилимга ором бахш этдингиз, онажон. Менга Аллоҳдан тахт эмас, бахт бергин, деган ният билан катта қилдингиз.
Кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Мана мен ҳам катта бўлдим. Аммо энди сиз йўқсиз, онажон!
Хар тонг туриб, сизни эслайман, номингизни қайта-қайта такрорлайман, Худодан ёлвориб сизни сўрайман, лекин сиз келмадингиз.
Хазон барглари сингари отамнинг юзи ҳам саргайиб қолди. Сиздек меҳрибон умр йўлдошдан жудо бўлди. У қон йиғлаганда, биз ҳам кўшилдик, ёру дўст, тоғу тошлар қўшилиб йиғлади. Аммо сиз қайтиб келмадингиз, онажон.
Мана, қабрингизни неча бор қор қоплади. Биз шўх ўйинқароқ эмасмизми? Дарс, ўйин, китоб билан овундик, лекин отам кўзларида ўшанда муҳрланган дард ҳамон турибди. Отамнинг кўзига ҳеч ким тик қарайолмайди. Сиз отамнинг, ака-опаларининг, менинг армоним бўлиб қолдингиз. Сиз кўрмаган бахтли кунларни отам кўрсин.
Сизнинг жойингиз жаннатда, руҳингиз пок бўлсин.
Оқарсув ёнида оқиб бораман, Она изларингиз топиб бораман, Қаршингизга қушдай учиб бораман, Аммо бу хаёл-да, хаёл, онажон.
Соғиниб тингладим сўзингизни мен, Хурларга ўхшатдим ўзингизни мен, Юракка жойладим кўзингизни мен, Ҳаммаси хаёл-да, хаёл, онажон.
Оқарсув хаёлим бўлар, шовуллаб, Кўзимдан ёшларим оқар дувиллаб.
Изингизни излаб, топмай изиллаб, Ортингизда йиғлаб қолдим, онажон.
Зафар РЎЗИКУЛОВ

ИСТЕЪДОДНИНГ ТУФИЛИШИ

Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани, Яккатут қишлоғида истиқомат қилувчи Раҳимжонни ҳамқишлоқлари нафақат автомобил устаси деб, балки шоир сифатида ҳам яхши билишади. Унинг фикри теран, шеърлари ниҳоятда таъсирли. Инсонни иймону, диёнатли бўлмоққа ундайди. Эзгуликка чорлайди. Муҳаммас ва ғазаллар битидади. 10-15та шеърини тингладим. Авлодида шоир ўтганими, йўқми шу ҳақда суриштирдим.
- Йўқ, авлодимизда шоир ўтмаган,- деди Раҳимжон ва менга бир ажойиб воқеани айтиб берди.
- Бир кунги тушлик пайтида гаражда (устахонада) ухлаб ётган эдим. Тушимда кимдир миямга бир дона катта, йўғон миҳни санчиб юборди. Оғриқдан чинқириб юбордим ва уйғониб кетдим. Бошим лўқиллаб оғрирди. Чаккамни ушлаб укаламоқчи бўлдим, ундан оқаётган қонни кўриб қотиб қолдим. Ўрнимдан турдим. Ювиндим. Лекин бош оғриғи босилмади, баттар кучайди. Гўёки, бошимга ҳақиқатдан ҳам миҳ қоқилгандек оғрирди. Шифокорга учрамоқчи ҳам бўлдим. Бу ғалати ҳолатни ҳеч тушуна олмадим. Эртаси кунги эрталаб бу воқеани акамга ва бирга ишлайдиган дўстимга айтиб бердим. Улар устимдан масхаралаб қотиб қулишди. Тушликда яна озгина хордиқ чиқармоқ ниятида ўрнимга чўзилмоқчи бўлдим-у, ёнимдаги пардага сарғабган қонни кўриб қарахт бўлиб қолдим. Қон қотиб қолган эди. Акам ва дўстимдан суриштирдим. Уларнинг ҳеч қаери қонак аган экан. Уларга қонни кўрсатдим. Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қолдик. Ахир бу гўёки бир мўъжиза эди-да биз учун. Хуллас, шу кундан менда ғалати ҳолатлар юз бера бошлади. Гўёки, ичимдан нимадир отилиб чиқади, мен базур оғзимни юмаман. Гудирлаб нималарнидир айтиб юбораман. Қандайдир куч бу гудирлашларни қозоғга туширмоққа ундади. Бир дона фламастер ва қозоғ топиб олдим-да, оғзимдан чиқаётган сўзларни қозоғга ёздим. Қарасам, шеърга ўхшайди. Уни адабиёт ўқитувчисига кўрсатдим. У ҳайрон бўлди. - “Бу шеърни қаердан олдинг!?” - деб. Иккинчи шеърни ёзиб яна олиб бордим. Ўқитувчи қойил қолди. Шундан сўнг, бирданига бош оғриғи тақа-тақ тўхтади ва мен кўплаб шеърлар, ғазаллар, муҳаммаслар ёза бошладим. Касбим устачилик бўлгани сабаб, шеърларимга “Уста” деб тахаллус қўйдим.
Мен Раҳимжонни шеърларини тинглар эканман ўзимча “Тўғма талант” деб шундай йигитларни айтишса керак-да”, - деб уйладим. Биз инсонларнинг имкониятларимиз чекланган. Ҳатто хаётимиз, ақлимиз ҳам. Шунданми, доимо ақлимиз етмайдиган илоҳий мўъжизаларга дуч келгудек бўлсак, лол қоламиз. Балки, истеъдод чиндан ҳам шундай тугилар. Балки... Сиз нима дейсиз азиз муҳлислар!?”
Эркинжон ҲАЁНБЎЙ ўғли
ФИДОЙИ

ОИЛА
ҲАЁТ
ЎТАВЕРАРКАН...

Инсон ҳаётида уйламаган, қутилмаган ишлар бўларкан. Шунингдек, биринчи турмушдан ажралган, яшаб кетиш ҳам осон кечмаскан. Ундан сўнг тақдирингни тиклаб, ёшинг улғайган сайин одам кўрқок бўлиб қолавераркан, кўп танларкан. Олдинлари кўплар сизга уйланаман, келинг турмуш қурайлик деса, ҳеч турмуш қуриш ҳаёлимга келмас эди. Лекин энди қарасам, яқинларимни ҳам қийнаб қўйибман. Тўғриси, ўзимга ҳам ёлғизлигим энди биланаяпти. Севишли газетамиз сабаб бўлиб, тақдирим мен каби ярим, ўзимга муносиб бир киши билан турмуш қуриб, бахтли бўламан деган умидданман. Ёшим 31 да, бўйим 165/75 см. Ажрашганим, фарзандим йўқ, ота-она билан яшайман, оддий қизман. Истарамни иссиқ дейишади, соҳам - медицина.
К.

Тошкент
КўНГИЛ КЎЧАСИГА
КИРМАДИМ...

“Оила ва жамият” газетасини ўқиб ўзимга руҳий мадад оламан. Газета кўнғил кўчасига кириб, ёмон йўлга кирган, адашганларни яхши йўлга тушиб кетишида ёрдам беради деб уйлайман. Мен кўнғил кўчасига кириб ёмон йўлга юрмадим, виждон азобиди қийналмадим. Лекин юрагимга қулоқ солиб, ҳаётимда панд едим. Севиб-севилиб турмуш қурдим. Аммо, турмуш мен уйлаганчалик эмас экан. Ҳаётда уйламаган, кутмаган ишларинг бўлиб кетар экан. Лекин ҳаёт шу экан деб тушунликка тушиб ҳам унчалик тўғри эмас. Ҳаётда яхши одамлар ҳам бор деб уйлайман. Ёлғизлик фақат Оллоҳга хос. Ҳаётда сени тушуниб, дардинга шерик бўладиган инсонни топиш қийин, ҳамма нарса бизлар уйлаганчалик бўлмайди. Лекин нуомид шайтон. Сизнинг газетангиз сабаб балки шундай инсонлар чиқиб қолар. Менинг ҳам ҳаётим изига тушиб кетар.
Ёшим 32 да, бўйим 165 см. Ажрашганим, битта қизим бор, ота-онам билан яшайман. Олий маълумотли, оддий аёлман. Фарзандимга оталик меҳрини берадиган, ўзимни инсон сифатида ҳурмат қиладиган, ўзим сингари ҳаётда қийналган, мени тушунадиган инсон бўлса, яқиндан танишиб, тақдир бўлса турмуш қураман.
В.

Тошкент

ГАЗЕТХОНЛАР ИЖОДИДАН

ҲАЁТНИ ЎЗИ ЎЗГА
Умр ўзи бир қарвон,
Тўхтаб қолмас ҳеч қачон.
Диёрим Ўзбекистон,
Ҳақиқий жаннатмақон.
Тинқидир ҳар дам осмон,
Ўғлонларимиз посбон.
Боболар бўлса боғбон,
Йигитлар элга қалқон.
Оғримасин ҳеч бу жон,
Қараб қўйинг сиз ҳар ён.
Умр ўзи бир қарвон,
Тўхтамасин ҳеч қачон.
Тўйчи ТОЛИБ

ТЕШИК КЎЙЛАК ЯРАШАРМИ,
ЎЗБЕК ҚИЗИГА

Кечки соат бешларда ишдан қайтаётиб “Дамас” русумли такси машинасига чиқдим. Таксида уч ўспирин йигит ўзаро сўхбатлашиб кетишарди. Бир пайт йигитлардан бирининг кўзи кўча четидаги кичик йўлдан кетаётган икки қизга тушди.
- Ўх-хў, Собир анавиларни қара! Ана кийиниш-у, мана кийиниш. Ўзи ҳам бўлиққина эканми?
- Вой, қўлагини ҳамма ери тешик-ку?
- Ха, нимасини айтасан, оғайни зап замоналар келдим. Ўзбек қизини сетка кийиб юришига ўлайми. Ҳамма жойи кўриниб ётибди.
Шу пайт сўхбатга шофёр аралашди.

- Шу қизларни ота-онаси кўчага чиқаришдан олдин кийинишига разм солиб киймасмикан?
- Э, шофёр ака, қизиқмисиз. Ҳозирги қизлар ота-онаси гапини оладими? Ўз билганидан қолмайди.
Манзилга етиб келиб таксидан қандай қилиб тушганимни билмай ҳам қолибман. Йигитларни танқидий мунозарали сўхбати қулоғимнинг тагида жангаллаб турарди. Тешик кўйлак киймасам-да, ушбу сўхбат менинг руҳиятимга жуда қаттиқ таъсир қилди. Дарвоқе, уларнинг гапида ҳам жон бор. Кейинги вақтларда одам гавжум жойларда, автобус ва тўйларда ҳам қоп-қора тўрға ўхшаш кўйлак кийган қизлар кўпайиб

ФИКР

Ахир бунинг гуноҳ эканлигини қизларимиз қайдан ҳам билишсин. Бошқалар қилган ишни мен ҳам қилишим керак деган фикрга боришади-да. Яхши, ўзига ярашиб турган кийимларни кийиб, барчани ҳавасини келтириб юрадиган қизлар мени кечирсинлар. Ўзини билган, юсак фазилатли қизларимиз танқидни ҳам тўғри тушунишади деган ниятданман.
Азиз қизлар, Сиз ўзингиз бунга нима дейсиз? Тор шим, қалта юбкалар замонавийлик белгисими, ёки ўзимизни она-момоларимиз кийган кийимларни кийиб ҳам ўзбек эканлигимизни намоиш этсак бўлаверадими?
Сайёра ХАЛИЛОВА
Шаҳрисабз

ОТА-ОНАСИЗ ҚОЛГАНДИМ, ЭНДИ ЭСА...

Ёшим 17 да. 1998 йили онам 38 ёшларида вафот этдилар. Отамни эса баъзи бир сабабларга кўра 5 йилга озодликдан маҳрум қилишди. Шундай қилиб, ҳам отасиз, ҳам онасиз қолдик. Бир ўзим бўлсам ҳам майли, 16 ёшли ўкам, 10 ёшли синглим бор. Техникуми битириб, ишга кириб олдим. Худого минг шукр, укаларимга қараб ўтирибман. Оила боқиб шуда оғир экан, айниқса 17 ёшда. Онам ҳаёт вақтларида бир йигит билан танишиб, бир-биримизга кўнгил қўйган эдик. Шунчака бир-биримизга ўрганиб қолган эдикки, тасаввур қилиш қийин. Онам вафот этганларидан сўнг, бир-икки кўришдик. Кейин у беш ой йўқ бўлиб кетди. Энди мени ҳолимни тасаввур қилинг. Ҳам отам, ҳам онам йўқлиги ва унинг доғи бир бўлдию, ўзимни кўярга жой тополмадим. Уйдагилар, ҳамма билар эди, биз бир-биримизни севишимизни. Онам (жойлари жаннатда бўлсин) шу йигит билан бахтли бўлгун деб дуо қилган эдилар. Онаминг фотиҳалари рўйбга чиқмади. Уқишга ҳат эъдим. Бир ойдан кейин ўзи келди. Мени Жиззахга практикага кетувдик, бугун келдим, тўсатдан кетиб қолдик, сенга айтолмадим, кечир деди. Хурсанд бўлиб кетдим. Шундан кейин бир ҳафтача урашиб юрдик, уйдагилар, яъни ўкам билан синглим бундан хабардор эди. Охири мартаба келганда эса у хомуш эди. Менга қараб:

- В. илтимос, фақат сиқилма, мени тўғри тушун,- деди.
- Гапиринг, эшитаяпман,- дедим тоқатсизланиб.
- Фақат тўғри тушун, мени яхши кўрадиган қизим бор,- деди.
- Танишганимизга икки йил бўлапти, бундай бўлади деб сира ўйламаган эдим. У эса:
- Кўй, йиғлама, шунча йиғлаганинг етади, фақат сиқилма, тўғри тушун. Мен сени яхши кўраман, фақат сингил сифатида, нима ёрдам керак бўлса аямайман. Ҳар доим келиб тураман, илтимос, йиғлама, -дер эди.
- Лекин мени ўзимни боса олмай: "Йўқ, ҳеч қандай ёрдам керак эмас",-дея олдим холос.
- Уйга кетаман десам, қўйиб юрмайди.
- Укаларинг олдига бу ахволда қўйиб юрмайман, йиғлама, -дер эди.
- Бир амаллаб уйга чиқдим, лекин йиғимни тўхтата олмас эдим. Укам билан синглим нега йиғлаясиз деб сўрашди.
- Йўқ, ҳеч нима, йиғламадим,-деб ўз хонамга кириб аламимни йиғидан олдим.
- Азиз "Оила ва жамият", уни мен севаман, кечаси билан йиғлаб чиқдим. Нима қилай, маслаҳат бериб юборинг, сизлардан илтимос. Келса чикайми олдига ёки умуман кўзига кўринмайми? Мен уни жуда ҳам севаман. Усиз ҳаётни тасаввур ҳам қилломайман. "Оила ва жамият" газетасини ўқирканман, қизларнинг "севаман", "усиз ҳаёт йўқ" деганига ишонмас эдим. Лекин ўз бошимдан ўтиб энди тушундим. Энди "СЕВГИ" деган сўзга ҳеч ишонмайман.
- Маслаҳатингизга зор синглинги,

V.

МЕН КАБИ ҲЕЧ КИМНИ АЛМАМА

Гули мен сени ҳар куни, ҳар соат, ҳар сония едга оламан, гоҳида қувонч билан, гоҳида нафрат билан, гоҳида эса сенга нисбатан қандайдир бир ачиниш билан...

Мен сен билан танишганимда ўзимни бошқача сездим. Сенинг соддалигингни? Беғуборлигингни? Билмадим, қандайдир бир жиҳатинг мени ўзимга тортарди. Бора-бора сенга бўлган муҳаббатим оташин муҳаббатга айланди. Сени бир бора кўриш учун институтга бормаи қолган ёки дарсларга кирмасдан келган кунларим жуда-жуда кўп бўлган.

Биласанми? Сенга севги ихроқ қилган куним қанчалар бахтиёр эдим, мендан бахтли инсон йўқ эди оламда. Аммо бу кувончим узоққа бормади. Мени севамлигингни айтдинг. Уша кунни ўзимни энг бахтсиз киши санадим. Кенг дунёга тўлмаган қўзим икки томи аччиқ ёш билан тўлиб қолди. Сенга қанчалар тушунтирмайин, сен мени тушунишни хохламадинг.

Сен мени алдаганимга сира-сира ишонгим келмасди. Наҳотки севгининг умри шунчалар қисқа бўлса? Еки севги сен учун бир эрмакидми?

Тўғри, менда сени қизиқтирадиган ҳеч нарса йўқ. Сен истаган ҳаётни балки бера олмасдим. Аммо мен ҳам бир кун ўқишимни тугатиб яхши жойларга ишга кирсам, сен истаган ҳаётни ҳам, бахтни ҳам берадим-ку? Эҳтимол сен мени ташлаб кетиб тўғри иш қилгандирсан? Эҳтимол севгишга арзимасман? Сен мени энди сира-сира сева олмайсан. Мен сен севадиган йигит эмасман.

Мен сени севадим, ягона сени, Сен билан бир эди, қайғум, қувончим, Ёддан чиқмас у кун айриди бизни, Севгининг икболи сўнди ва ҳеч ким, Ундан сўнг қалбимга қира олмади.

Қалбим ҳам ҳеч кимга қулоқ солмади. Шундан кейин сендан нафратланишга, сенга бўлган севгимни сўндиришга қанчалар ҳаракат қилдим, аммо севгим аланга олса олдию, аммо сира-сира пасаймади. "Нега мени алдади?,-деган савол мени қийнарди.

Бир сафар уйга борганимда ота-онам уйлантирмоқчи бўлишди (узоқ қариндошимизнинг қизига). Аммо мен сени умид қилиб уйланмадим ва уйдан жанжал қилиб чиқиб кетдим. Балким, ўшанда уйланганим маъқулидми?

Сенинг ўпинчиг ўзимдан ўчиб кетган, аммо қалбимга бир умрга муҳрланиб қолди. Сен-ку мени унутарсан, аммо мен сени унута олармикиман? Ахир сенинг виждонинг пок бўлса-сени виждон азоби қийнамадикикин. Ахир виждонинг туну-кун сен билан бирига-ку? Юрагимдаги сендан қолган доғ ювилармикин? Сени унуттишга бардошим етармикин? Майли, Аллоҳ бахтингни ҳам юзюнгдек чиройли қилиб берсин. Аммо мен каби ҳеч кимни алдама. Пок ва беғубор муҳаббат увели тутмасин. Шунинг учун ҳамма ҳам Муслимбек бўлавермайди. Мен сенга бахт тилаш билан қифояландим. Аммо сен мендан бошқани алдаганимда у шу ҳолича қолдирармиди?..

Сени ҳеч ким, ҳеч ким менчалик севаган, севамайди ҳам. Агар сени ранжитган бўлсам мени кечиргин.

МУСЛИМБЕК, талаба

МЕНИ БАХТСИЗ ҚИЛИБ ЭНДИ ХУРСАНДИМИСИЗ?

Бу мактубни алам ва изтироб билан ёзаяпман. Юрагимга қил ҳам сиймайди. Фақат бу дунё азобларидан қутулмоқ чорасини излаяпман. Нима учун депсизми? Сабаби, дунёда ишонган кишининг эртадан кейин тўйи. Ҳа, у уйланапти. У мени шундай бир чуқур жарликка ташладики, бундан чиқиб олиш осон эмас. Биз бир-биримизни жуда севадик. Қуришмасак тура олмасдик. Энди-чи, наҳотки бошқа қизни кўриб мени унутди? Сениг шунча тез унутиладиган нарсамикин? Йигит деган номи бўла туриб, менга берган дунёдунё ваъдаларини нега шунчалар тез унутди? Нега мени бунчалар алдади. Нега мени эзгу бахтдан бенасіб этди. У ақлли, тушунган йигит эди. Шунинг учун мен унга тўла ишонардим. У ҳатто тўйи бўлаётганини ҳам мендан яширди. Мен бир дугонамдан эшитдим. Эшитдим, ҳайрону дол қолдим. Менга бу

жазо қайси қилган гуноҳларим учун деб ўйладим. Кейин унинг уйига бордим, иложини топиб, уни чақиртирдим. Ҳаммасини ўшанда билиб олдим. Мен аслида унинг олдида: "Эшитганларинг ҳаммаси ёлгон, ҳеч қанақа тўй бўлмайди",- дейишини эшитиш учун боргандим. Афсус... У насининг қийноқ-қистови билан уйланаётган эмиш. Онасининг юрак хасталигини ўйлаб, унинг раъйини қайтара олмадик. "Бошқа қизни севаман",-деганида, онасининг юраклари ёмон бўлиб қолдик. Унинг мендан воз кечишининг, бошқача уйланишининг сабаби шу эмиш. Унинг айтишича уйлангандан кейин ҳам менсиз бахтли бўла олмасмиш, гўё хотини йўқдек ашайверар эмиш. Тўри, М. онасининг саломатлигини ўйлаб жуда тўғри йўл тутган. Лекин она ва ёр бир тарозига қўйилмайди-ми? Наҳотки энди бу ёқда менинг тақдирим қуйиб қолаверса. Наҳотки онасининг менга раҳми келмади, мени тушунмади? Энди бу

кўргуликка қандай чидайман. М. ҳам севаган қизи билан қандай яшайди? Юз кун ёмон ҳаёт кечиргандан кўра, бир кун мазмунли ҳаёт кечирмоқ яхшимасми? Бунақа оилаларнинг пойдевори мўрт, бўзилиши осон-ку, ахир.

Наҳотки орзу-умидларим чил-парчин бўлди? Энди қандай яшайман? Ҳозир ёшим 23 да. Биласизми, энди келажакдан умидим ҳам йўқ. Ёшим ҳам анчага борди. Энди ҳаммаси таомом. Наҳотки эртадан кейин унинг ёнида менинг ўрнимда бошқа бир қиз келинчак бўлиб ўтиради. Нимага унга бунчалар ишондим? Нима қилай, жонимга қасд қилайми? Нега доим менинг бошимда мусибат тошлари ёғилиши керак? Наҳотки бахтимни бир умрга йўқотдим. Менга маслаҳат беринг. Онасининг сўзларига кириб М. тўғри қилдикми? Энди мен нима қилай? Наҳот, энди мен бутун умр ич-ичимдан эзлиб юрсам. Энди уларнинг уйи олдида қайси юз билан ўтаман. У келинчакни кўрсам, қандай чидайман. М.га сўзим охирида шундай дейишни хоҳлардим: "Мени бахтсиз қилиб, энди хурсандимисиз? Энди бахтлимисиз?"...

Қашқадарё

ЛОЛА

КЕЧИККАН МАКТУБ

Умид ака, бу хатни ўқиб ажаблансангиз керак, балки мактуб эзиб хато қилгандирман. Нима бўлганда ҳам мени тўғри тушунишингизни хоҳлайман. Мен сизни қаттиқ ҳурмат қилар, сизга жуда ўрганиб қолган экман. Сиз кетганингиздан кейин қанчалар қийналганимни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Бунга сиз ҳам айбдорсиз, албатта. Чунки сиз ёлгон ваъдалар бермаганингизда, бунчалар сизга қаттиқ меҳр қўймаган, севиб қолмаган бўлар эдим.

Касалхона. Энда кишилар ҳам руҳан, ҳам маънан чиникади, қандайдир маънода синовдан ўтади. У кишиларни англаб бўлмас бир туйғу, меҳр билан боғлайди. Ана шу паллада сиз билан мен ҳам бу меҳринг бир парчасини татиб улгурган эканмиз. Касалхонада танишдик. Муносабатларимиз қуюқлаша борди. Биз бир-биримизни тез тушунар, кўпроқ адабиёт ҳақида баҳслашар эдик. Эсингиздаки, Қодирийнинг "Утган кунлар"ни яхши кўрар, дурдона асар деб ҳисоблардингиз, уни ёддан айтганингизда ҳайратдан ёқа ушлаган, янада сизга ҳурматим ошган эди. Умид ака, вақт отлиғ тулпор ҳам қувончли, ҳам қайғули манзилларга элтувчи айна бир ҳақиқат эканки, сиз билан кечган дамларда ана шу қувончли манзилларда, қўнглингни эрка бекаси, ҳа эрка бекаси эдим. Сиз кетдингиз, кунлар ортдан кунлар ўтаверди. Дастлаб мени кўргани касалхонага тез-тез келиб турдингиз. Сўнгра ишдан ортамаётганингизни айтиб телефон қилиб турдингиз. Мен сизни тушунишга ҳаракат қилар, телефон кўнги-рогини, овозингизни эшитишни интиқлик билан кутар эдим.

Ушанда турилган куним, йиғирма уч баҳорни қаршилаётган эдим. Университетда дарслар тамом бўлганидан кейин кафедра курсдошларимни турли ширинликлар билан сийладим. Қўлимда бир қучоқ гўл, қўнглим нимадандир тўлганам - кенчага сиз келмаган эдингиз. Тасодифан йўлда учрашиб қолдик. Қўшалоқ қувончдан энтиқиб-энтиқиб зўрга нафас олар, юрагимни ширин бир хис қамраб олганди. Шунда сиз бепарволарча гўл ололмаганингиз учун узр сўрадингиз. "Турмуш қуриб бахтли бўлин!"...- дедингиз. Дахшадан бутун вужудим қотиб қолган, юрагим ҳам уришдан тўхтагандай эди. Наҳотки шунча пайтагача севган, севилган кишим ўзга билан бахтли бўлишимни истаса. Бундан ортиқ эълм борми, дунёда? Агар бўлса, шу зулмининг барчасига тайёр эдим шу дамда, лекин улар ҳам мендан сиз каби тондилар...

Умид ака, биласизми, танишганимизга бир ярим йил бўлибди-ю қайноқ севгига йўғрилган шеърларимнинг адоғи кўринмас, қалбимдаги йилгоқ ўқинлар тинмай тўқилар эди.

Умид ака, мен бу мактуб билан сизга севги ихроқ қилмоқчи эмасман. Бунга қизлик ғурурим йўл қўймайди. Балки дуненинг бир бурчида сизни деб кимлардир яшаётганини, қалбимнинг турида ардоқлаётганини эслатмоқчиман, холос. Яна бир тилагим бундан сўнг ҳеч кимнинг қўлига азият чекмасин. Тоқим севгининг дайди ўқи мен каби ҳеч бир қизнинг қалбини мажруҳ қилмасин. Акс ҳолда азалий удумни давом эттириб, Қодирийнинг Қумушбисидай Фарғонадан Ташкентга мактублар битилишидан қўлларим толмағай ва севгингизга йўғрилган сатрларимнинг адоғи кўринмағай... Салом билан сизнинг...

Мактубни оққа кўчирувчи
Зухра ДЕХҚОН қизи



СЕВГИ ЎТКИНЧИ НАРСАМИ?

Бир куни танишимнинг уйига турилган кунига бордим. Турилган кунга қўй йигит-қизлар келишган экан. Ҳамма хурсанд эди. Бир маҳал эшик очилиб хонага икки йигит кириб келишди. Одамлар билан тўла хона бирдан ёришиб кетгандай бўлди. Улардан бири ўзини Фулом, яна бири эса Бекзод деб таништиришди. Фулом ҳамма билан кўришиб келиб менга келганда анча вақт тикилиб қолди, сўнг ёнимга келиб ўтирди. Уша вақтда ким билибди дейсиз, бир кун келиб шу йигитнинг менга севги ихроқ қилишини... Орадан анча вақт ўтди, бир пайт менинг мазам бўлмай қолиб ташқарига чиқдим. Орқадан Фулом ҳам чиқиб келди ва биз у билан сўхбатлашдик. Сўхбат давомида биз бир-бири-

мизни анча билиб олдик. Турилган кун тугагач барча йиғилганлар у-й-уйга тарқалди. Орадан икки кун ўтиб Фулом мени излаб мактабга келди. Дарс тугагач, у мени уйимга кузатиб қўйди. Шундан кейин биз ҳар куни учрашадиган бўлдик. Уртамаиздаги дўстлик шу тариха муҳаббатга айланди. Аммо, бизнинг ҳам севгимизга чанг соладиганлар бор экан. Бир қиз: "Фулом бошқа бировни севади, сени алдаб юрибди",- деди. Бу гапга ишониб-ишонмасликни билмай ҳайрон бўлиб қолдим. Кейин билсам, худди шу гапни аксини Фуломга ҳам айтишган экан. Шундан кейин Фулом иккимиз бундан кейин ҳеч қачон бировларнинг гапига кирмасликка қасам ичдик.

Аммо, кунлар ўтиб нимагадир биз бир-биримиз билан гаплашмай кетдик. Фулом яна орқадан қидириб келганда мен унга ортиқ у билан гаплашмаслигимни айтдим. Мен севгининг борлигига ишонмай қолдим... Одамларнинг айтишича, севги ўткинчи нарса экан. Бир кўришда севиб бўлмас экан. Қизларга ҳам айтмоқчиманки: "Ҳеч қачон бировнинг гапига алданманг, афсус қилиб қолманг"... Эскилар бекорга айтшмас экан.

**Бир кўришда севиб қолган дил,
Шиша каби синида чил-чил,- деб.**

М.

**Жиззах вилояти,
Фориш тумани**

КҮЛОҚ ТУТДИНГ ДОИМ ФАРИШТАЛАРГА

Момохол билан мени шеърят таништирган. Дўрмоннинг кўп азиз инсонларни кўрган улкан чинорлари остида узок-узок суҳбатлашганмиз. Момохол маънили, билимдон, зиёли суҳбатдош. Мумтоз адабиётимиз, тарихимиз, ҳозирги замон адабиётимиздаги энг яхши асарларнинг баридан хабардор. Жаннатмакон устозларимиз Зулфия опа ҳам Момохолни ақли қизларимиздан бири, дер эдилар, шеърларига умид билан қарардилар.



Қайси мавзуда бўлмасин, Момохолнинг шеърлари юракка тегади. Чунки, у шеърни бировга ёқиш, ё бирон нарса илнжиди ёзмайди. Юраги тўлганда, туйғулари бўзига келганда ёзади.

Момохол Элмуродова бутун умр ўзи туғилиб ўсган Қашқадарёнинг Қамаш туманида мактабда муаллимлик қилиб келаяпти, икки-учта шеърый китоблар чоп эттирди.

У ўқувчиларнинг тақдирини билан ҳам шеърятдан кам қизикмайди. Истеъдодли болалар учун доим йўл излаб юради. Керак бўлса Тошкентга бирга келади.

Мен Момохолни ҳеч қачон ёлғиз тасаввур қила олмайман. Чунки унинг ёнида доим турмуш ўртоғи Пардавой ака бирга бўладилар. Тахририятларга ҳам "Мен Момохолнинг эри бўлман" деб унинг шеърларини олиб келиб юрадилар. Шоирани танимаган баъзи ёзувчиларимиз аллақачон Пардавой ака билан улфат бўлиб кетишган. Бири-биридан ақли олтита фарзандлари, неваралари бор.

Дугонам умрининг бир нури бекатиға етибди. 50 ёшни қаршилабди. Тенгдошлар, дўстлар, мухлислар номидан шу яхши кун билан севимли газетамизни элчи қилиб табрик йўллагим келди.

Куюнчак, ростгўй қалбингиз Сизни яна кўп бор яхши шеърлар билан сийласин. Яхшилар ва яхшилик даврасида мудом соғ-саломатликда дийдорлашайлик.

ҚУТЛИБЕКА

ОНАЖОН

Менга яшаш илмин ўргатинг, Она, Сочингизда бодом гуллаган ахир. Дунёнинг шўришу гавголарига Чидайсиз, Худодан тилайсиз сабр. Менга чидаш илмин ўргатинг, Она, Юрагим баъзан дош беролмай қолар. Ўткинчи дунёнинг ўткинчи майда Ташвишлари ичра толиқар, толар. Мен ахир шайтондан олмаганман дарс, Күлоқ тутдим доим фаришталарга. Қўрқаман ялтироқ шайтоний ҳавас Уя қўймасин деб гулпушталарга. Кичрайиб боради вужудим секин, Улканлашиб борар юрак тобора. Қўрқаман вазминлаб юракнинг юки Жоним бу жисминни этмасе деб тарк. Онажон, сизга бир арзларим кўндир, Олиб беролмаган қарзларим кўндир. Бажа ра олмаган фарзларим кўндир, Қайтармоқ илмини ўргатинг, Она. Балки, осон эмас Оллоҳга қайтиш, Эзгуликка қайтиш, савобга қайтиш. Баридан оғирдир ўзни уйғотиш, Уйғотмоқ илмини ўргатинг, Она.

Момохол ЭЛМУРОДОВА

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жамоаси кўмитанинг бош ҳисобчиси Шакаржон Рўзметовага отаси

Кенжа РЎЗМЕТОВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗ ҚАҲРАМОНЛАРИДЕК ЁРИНИ СЕВГАН, АРДОҚЛАГАН

МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯМИЗНИНГ АСОСЧИСИ НАБИ ГАНИЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА

Миллий кино санъатимиз қалдирғочи, сеvgи куйчиси, буюк инсон Наби Ганиевнинг турмуш ҳамроҳи Махсума ая ҳузурига отланганимизда тайёр, олдиндан ўйлаб қўйган саволларимиз йўқ эди. Ҳар биримиз - тадқиқотчи, журналист Шохиди Эшонбобоева ҳам, муаллим, қатор тиллар билимдони Ирода Наримонова ҳам, камина ҳам ўз фикрларимиз билан банд эдик. Мен экранимизнинг доврўғини оламга таратган шахс шўролар даврида ўз уйига ҳам эга бўлмагани, унинг оиласи гоҳ киностудияда, гоҳ маҷитда, гоҳ вақтинча ижарага олинган жойда иштирокат қилгани, ҳаттоки оғир касалликдан кейин вафот этганида Кўкчадаги сингилсининг уйига олиб борилгани ва ўша ерда уни сўнги сафарга тайёрлаганлари ҳақида ўйлардим. Шундай саҳий, муруватли, ниҳоятда истеъдодли кишининг қадрига яқин ўтмишда етилмаганидан афсусланардим, кўнгли ипақдек юмшоқ, ҳеч кимга (ҳаттоки унга хиёнат қилган шогирдларига ҳам) озор бермади дилкаш йигит Набижонни таъқиб остига олганлари, азоб берганлари, ижод этиш завқидан маҳрум этганларининг фожиали оқибатларини эслаб ўқинардим.

Камил ишонч билан айтаманки, ҳамроҳларим ҳам буюк асарлар ижодкорининг оғир қисмати, армонда кетган ўзбек ўғлонининг қисқагина ҳаётини мушоҳада қилар. Яқин ўтмишнинг оғир кунларини тасаввур этмоқчи бўлар, шу боис маънос қайфиятга берилган эдилар.

Махсума ая жажжигина хонадонларининг катта дарвозасини ланг очиб, бизни ичкарига тақлиб этганларида, самийи табассумлари, айниқса ҳазил-мутойиба билан ҳикояларини бошлаганлари меҳмонларга жуда хуш келди. Маънос қайфият чекингандек бўлди.

Турмуш ўртоғининг Наби Ганиевнинг барча асарларида сеvgи, оила, бурч масалаларини қизқарли сюжет йўллари, ёқимли тароналар, таъсирчан ижро билан экранда ёритгани маълум. Айтгинчи, ая, ўзларининг шахсий ҳаётлари қандай бўлган? Биринчи учрашингиз, тўйингиз, оила қуришингиз қай тарзда ўтди? "Тоҳир ва Зухра", "Фарғона қизи", "Насриддин сарғузаштлари" да эҳтирос билан таърифланган ҳис-туйғу сизларнинг ўртангизда ҳам бўлгандир, - дея ўртага савол ташлади Шохидохон.

- Тўқсонга яқинлашганингда бу ҳақда гапириш ярашармикан!?

- жавобга ҳозирландилар ая. - Бирга ҳорак асрдан кўпроқ умр кўрдик. Студиядан ёмон кайфият билан уйга келиб, қўпол муомала қилганларини билмайман. Наби акангиз ҳаёт пайтларида бирор марта бозорга харид қилиш учун тушмаганман... Ундан олдин эса тасодифан учрашиб қолганмиз. Эндигина ўн бешдан ўн олтига қадам қўйган чоғларим эди. Кичкинагина паранжимни ёпиниб Шайхонтовродаги уйимиздан чиқдим-да, катта кўча томон юрдим. Ўша ердаги киностудиянинг ёнгинасида баҳайбат, икки-уч киши билгислашиб зўрага очадиган чиройли дарвозанинг ёнида - зинапоёда бир киши ўтирганини чачон ортидан кўрдим. Истари-си иссиқ, ёқимтой йигит бўлиб кўринди менга. Кетавердим. Орқадан гап отди у барно йигит. Жавоб бермадим. Травмайга чиқдим. У кетимдан қолмади. "Кимни қизисиз? Совчи юборсам тегасимиз?" деб сўрагандек бўлдию, травмайдан тушиб кетди. Кейин дугонам Хонзодадан (Худоёрхоннинг набираси бўлмиш бу қиз мендан ёши каттароқ, гапга чечанроқ эди, кўпинча бирга юрардик) барча маълумотни олибдилар. Бир кунни ўша дугонам билан мактабдан қайтаётганимда "Совчилар боришади. Берисе яхши-я, бўлмаса олиб қочаман сизни!" деб қолдилар. "Ота-онамиз ҳеч рози бўлмайман", - деганимча қолавердим.

1926 йилнинг қишида тўйимиз бўлди. "Ёр-ёр"нинг неча хили айтилди. Ўртани Сарвиҳон ҳамда Ўқтамхон олиб боришди. Ҳам рақс тушишди, ҳам чолғуларини чалиб тўйни қизитишди. Ўша кунларни эсласам, келинлик даврим бир-икки ой эмас, кўпроқ - Наби акангиз ҳаёт кунлари давом этаверган экан. Ҳамиша тўқин-сочин яшамаганмиз. Уйма-уй кўчиб юрганмиз. Қийинчиликда бир-биримизга бўлган меҳримиз ортса-ортганки, камаймаган. Ҳадеб менга сеvgиларини изҳор этавермаганлар. Қарашларида мени аяб ўзлари ишга уннаб кетишларида, "Бирга бўлайлик!" деб мени кинога, театрга, "Жангоҳ"га (истироҳат боғи), ҳаттоки бошқа шаҳарларга судрашларида меҳр-муҳаббатларини кўриб, сезиб турардим.

Аянинг бу сўзларини тинглаб, "Фарғона қизи" филмида Жаббор отанинг рафиқаси Жамол она, қизи Дилбархон, бўлажақ куёви Олимжон билан мулоқотда бўлиши кадрларини эсладик. "Иккинчи хотин" филмида Н. Ганиевнинг қаҳрамони Умар рафиқаси билан музейларда бўлиши, ёрини ар-

доқлаши, саҳналарини қайта кўриш иштиёқи пайдо бўлди. Айниқса, "Тоҳир ва Зухра" ҳамда "Насриддин сарғузаштлари" асарларида бир-бирига кўнгил қўйган ёшларнинг нозик ҳис-туйғуларини Наби Ганиевдек сеvgи-садоқат куйчиси таърифлаб бергани табиийдек кўринди.

- Ая, ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, умр йўлдошингиз билан ўтказилган ширин дамларга назарда тутиб, ёшларга қандай маслаҳат берадингиз? - деб сўради Ирода Наримонова.

- Узатилаётган қиз янги хонадонга бориб, ўша ернинг дуторини чалиши кераклигини эслатардим. Шу билан у ўз фикрига эга бўлиши, умр ўртоғи билан турли масалалар бўйича маслаҳат қила олиши, мулоҳазасини айта олиши керакмикан, деб ўйлайман... Ундан олдин эса оила пойдевори сеvgи бўлишини айтардим.

- Ая, мени билишимча, Наби аканинг хонадонига ўз дуторингиз билан келгансиз. Уни ўз хоҳишингиз билан чертгансиз. Шундай эмасми?

- Мен Наби акага ҳам дўст, ҳам ҳамкасб, ҳам доимий ҳамроҳ эдим. Шундай экан иккимиз "Тенг ҳуқуқли" эдик. Уй бекас, тўрт фарзанднинг онаси сифатидагина эмас, маслақдош дўст, ҳамкасб сифатида ҳам тан олардилар мени. "Соябонли арава", "Йигит" ва "Иккинчи хотин" филмларида роллар ўйнадим. "Тоҳир ва Зухра" Самарқандда, Хўжандда, Фарғонада суратга олинган дақиқаларда Наби акангиз билан бирга бўлганман. "Насриддин сарғузаштлари" комедиясига зарур бўлган ёнинг саратон кунлари Водилда қишда, сув яқлаган кунлари олинганда қандай қийинчиликларни енгишга тўғри келганини кўрганман... Ўша дамлар умрини мазмунли қилди.

Хайрлашаётганимизда Махсума ая табассум билан ҳазил аралаш "Тўйимиз арафасида кўшнларимиздан бири онамга "Шундай қизингизни сувга оқизиб юборасизми? Куёв қизингиз Махсумахонга муносиб эмас-ку!" деган экан. Чет элга ўқишга кетиб, отасини норози қилган, киночи бўлиб етишган Наби акани ёқтирмаган ўша "қўшннга" "Мен эмас, Наби ака мени ўзларига муносиб топганларидан бахтиёрман", деб жавоб бергим келади дедилар. Самимият билан айтилган бу сўзлар суҳбатимизга яқун ясагандек бўлди.

Ҳамидулла АКБАРОВ

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Тирек Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ҲОМИЙ «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558

33625 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нарҳда.
Расмом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.